

Хабар

6
(803)-son

8-fevral

www.xabar.uz
xabar@uzpak.uz
orif@infonet.uz

2008

О'ЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАСHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqa boshlagan

● Алоқа оламида: **ЭНГ СЎНГГИ ЯНГИЛИК!** ●

5 феврал куни Nokia компанияси узоқ кутилган N-Gage ўйинлар сервисини ишга туширди. Ҳозирча ушбу сервисдан фақатгина Nokia N81 телефони эгалари ўйинлар кўчириб ва сотиб олиши мумкин. Тез орада бошқа русумдаги телефон эгалари ҳам ушбу хизматдан фойдаланиш имконига эга бўлишади.

Nokia компанияси мазкур сервис билан бир қаторда фото ва видеофайллар алмашиш имконини берувчи Share on Ovi янги ижтимоий тармоқни ҳам ишга туширди.



Тадбиркорни қўлламоқ — бурчимиз

Иқтисодимизнинг бозор муносабатларига ўтиши халқ хўжалигининг барча жабҳаларида бўлгани каби ахборот-коммуникация соҳасида ҳам ишга кун сайин, соат сайин шиддатлироқ ривожланиб, янгидан янги техника ва технологиялар ишлаб чиқаришга жорий этилаётган шиддаткор замон талабларидан келиб чиққан ҳолда ёндашмоқликни талаб этмоқда. Агар йигирма биринчи аср ахборот технологиялари асри эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, аҳолига янги, замонавий ва сифатли алоқа хизмати кўрсатиш, соҳани ривожлантириш даражасини янада ошириш олдимизда турган энг долзарб вазифалардан биридир.

2-БЕТ

Ушбу сонда

Туркменистонда
Ўзбекистон ахборот
технологиялари
намоиши

3-БЕТ

Эътиборсизликка йўл
қўйиб бўлмади

4-БЕТ

NSN-дайжест

6-БЕТ

Осиёда доменлар
савдоси

11-БЕТ

Ҳуқуқий маданият —
давр талаби

12-БЕТ

Тўққиз ёшли талаба

14-БЕТ

Ғалаба билан
бошланди

15-БЕТ



www.alskom.uz
O'ZBEKISTON - ROSSIYA QK
SUD-URTA - kompaniyasi


Кенг қамровли
суғурта хизматлари

тел.: (+998 71) 173-80-05, факс: (+998 71) 173-80-06



UzNet
Internet Service Provider

— сифат рамзидир



— юқори тезликдаги уй Интернети

JUMADAN —
JUMAGACHA

✓ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 2008 йил 5-6 феврал кунлари расмий ташриф билан Россияда бўлди.**

Учрашувлар чоғида томонлар ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳоли ва истикболига, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар ҳамда халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликка оид масалаларни муҳокама қилдилар.

✓ Токиода Ўзбекистоннинг сайёҳлик соҳасидаги салоҳияти тақдироти ўтказилди. Япониянинг "Club Tourism International" компанияси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда "Кунчиқар юрт"нинг маданий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, шунингдек, пойтахт аҳлидан иборат саёҳат ишқибозлари иштирок этди.

Тадбир доирасида Ўзбекистоннинг тарихий обидалари ва диққатга сазовор жойлари тўғрисида ҳикоя қилувчи ҳужжатли филм меҳмонлар эътиборига тақдим этилди. Шунингдек, юртимиз халқ амалий санъати кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

✓ **Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида аспирантлар ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиясининг 2008 йилги талови ғолибларига ғувоҳнома-лар топширилди.**

✓ **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал демократик партияси томонидан "O'zLiDeP фаолияти, дастурий мақсад ва вазифаларини оммавий ахборот воситаларида ёритиш йўллари" мавзусида ўқув семинари ташкил этилди.**

Анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ЎзЛиДеП Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлари Кенгашиларнинг матбуот хизмати вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

✓ **Пойтахтимизда Россиянинг йирик компанияларидан бири — "Рибинсккомплекс" молия-саноат компанияси» ёпик акциядорлик жамиятининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.**

Унда сўзга чиққан республика Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов ва бошқалар кейинги йилларда Ўзбекистон-Россия давлатлари ўртасида савдо-иқтисодий, маданият, фан, таълим, шунингдек, нефт-газ, энергетика, қишлоқ ҳўжалиги, автомобилсозлик, тиббиёт соҳаларидаги ҳамкорлик изчил ривожланиётганини, бунга икки давлат президентлари томонидан 2005 йилда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома ҳуқуқий асос бўлаётганини таъкидладилар.

✓ Гулистон шаҳридаги хориз тилларини чуқур ўзлаштиришга ихтисослаштирилган махсус мактаб-интернат базасида электрон мактаб иш бошлади.

Эндиликда бу имкониятдан иқтидорли болалар, шунингдек, вақтинчалик мактабга боролмайдиган ўқувчи ёшлар, ногиронлар ҳамда олис қишлоқларда яшайдиган ўғил-қизлар баҳраманд бўлишлари мумкин.

ALOQACHI MINBARI

Тадбиркорни қўлламоқ — бурчимиз

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Аҳолининг алоқа хизматида бўлган талаб ва эҳтиёжларнинг ортиб бораётганлиги мазкур соҳада ҳам хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантиришга бўлган эътиборни кучайтиришни талаб этмоқда. Олдимизда турган бу вазифаларни изчил амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги "Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 майдаги "Кичик тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори, айниқса, қўл келмоқда.

Мазкур фармон ва қарор ижросини таъминлай бориб, ўтган вақт мобайнида АКТни ривожлантириш, ушбу соҳага етарли миқдорда сармоя киритиш, соҳанинг хизмат кўрсатишдан тушган маблағларидан самарали фойдаланиш ва уларни ўзлаштириш, янги ва устувор лойиҳаларни молиялаштиришдек салмоқли вазифани бажариб келаятган жамғармаимиз томонидан ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, 2002 йилдан бугунги кунга қадар алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётган кичик бизнес корхоналарининг 15тасига "Алоқабанк"да очилган кредит линияси орқали қисқа ва ўрта муддатли кредитлар молиялаштирилиб, қўйидаги фаолият турларини ривожлантириш учун сарфланмоқда:

- ахборот тизимлари, компьютер технологиялари ва ахборот узатиш тармоқларини яратиш ва татбиқ этиш;
- ахборот-коммуникация технологиялари техник инфраструктурасини ривожлантириш;
- алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида янги хизмат турларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- қишлоқ жойлардаги почта ва телекоммуникация инфраструктурасини янада ривожлантириш ва қайта қуриш лойиҳаларини амалга ошириш;
- компьютер ва тармоқ технологиялари, дастурий маҳсулотлар, ахборотлар базаси бўйича ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тезкор дастурларини амалга ошириш.

Келтириб ўтилган лойиҳалар сонини молиялаштириш орқали ахборот тизимлари, компьютер технологиялари ва ахборот узатиш тармоқлари ёрдамида Сурхондарё, Навоий, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида компьютер ўқув хоналари ташкил этилиб, интернет-кафе, шаҳарлараро ва халқаро телефон ва факс алоқаси, шунингдек, орттехникалар ёрдамида матн босиш ва нусха кўчириш каби хизматлардан тўлиқ фой-

даланиш имкониятлари яратилди.

Шу билан бирга, юқорида кўрсатилган вилоятлар аҳолиси талаб-эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, ўрнатилган рақамли АТСларнинг сигимини кенгайтириш, телекоммуникация тармоқларини реконструкция қилиш ва ривожлантириш бўйича мавжуд координат телефон станцияларини рақамли телефон станцияларига алмаштириш, тармоқ сигимини кенгайтириш, бу орқали кўрсатилаётган телекоммуникация хизматлари сифатини ошириш ишлари олиб борилмоқда.

Соҳада иқтисодий ўсишни таъминлаш ва қишлоқ аҳолисининг бандлик масаласини ҳал этиш, хизматлар кўрсатиш соҳасининг родини кучайтириш мақсадида қабул

Шу пайтгача ҳам соҳадаги деярли барча корхона ва ташкилотлар, ўқув юртлари, кичик бизнес вакиллари жамғарма маблағларидан кенг фойдаланишган. Бунинг натижасида ташкил этилаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, уларнинг моддий-техника базалари кенгайди, янги замонавий техника ва технологиялар ўрнатилиши билан бирга аҳолига керакли қулайликлар яратилди.

қилинган Президентимизнинг 2006 йил 17 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорида, унинг ижросини таъминлаш борасида тузилган дастурларда қўшимча хизмат турларини ривожлантириш масаласини катта аҳамият берилган. Бу ҳам бугунги давр тақозоси билан қабул қилинган муҳим қарордир. Негаки, замонавий технологияларнинг кириб келиши туфайли етук мутахассисларга ва янги иш ўринлари яратишга бўлган талаб ортиб бормоқда. Олийгоҳларни битириб келаятган ёш мутахассисларни иш билан таъминлаш, хизмат кўрсатиш доирасини кенгайтириш соҳага фақат самара келтиришни аниқ. Шу сабабли, республикаимиз вилоятларида кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, шу ишга қўл урган ишбилармонларни рағбатлантириш ва уларга амалий ёрдам бериш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ки, бу муҳим вазифанинг амалга оширилишини таъминлашда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан бир қанча ишлар бажарилди. Аввало жорий йилнинг январ ойида Агентликнинг «Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш ҳамда маркетинг йўналиши бўйича дастурларнинг бажарилиши тўғрисида»ги буйруғи қабул қилинди. Мазкур буйруқ асосида олдимизда аҳолига замонавий хизматларни тақдим этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг тўлиқ фаолият кўрсатишлари учун

қулай шароитлар яратиш, аҳолининг бандлиги ва фаровонлигини ошириш муаммоларини ечишга жиддий эътибор бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил этишни жадаллаштириш ва ушбу субъектлар орқали янги қўшимча хизматларни сотишда қишлоқ жойларига алоҳида эътибор бериш, маблағ билан таъминлаш учун қабул қилинган инвестиция лойиҳаларини ҳисобга олиш тизимини ташкил этиш, уларнинг амалга оширилиши, ажратилган кредит ресурсларининг самарадорлиги ва улардан мақсадли фойдаланилиши мунтазам равишда таҳлил қилишни амалга ошириш каби масалалар долзарб бўлиб турибди.

Республикаимизда алоқа соҳасида тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантиришга Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси ҳам ўз хиссасини қўшмоқда. Гап шундаки, тадбиркорлик ва кичик бизнес корхоналари очилиши истагиди молиявий ёрдам сўраб ёзилган мурожаатлар ҳар йилнинг октябр ойида жамланади ҳамда кейинги йилнинг бюджетга қўйилган маблағнинг қийматида қараб «Алоқабанк»да очилган кредит линиялари

орқали қисқа ва ўрта муддатли кредитлар юқорида келтирилган фаолият турларини амалга ошириш учун ажратилади. Лекин ишлаб чиқаришдаги асосий фаолият почта ва телекоммуникация йўналишига тегишли кичик бизнес корхоналари жамғармаимизга «Ўзбек-телеком» акциядорлик компанияси ва «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамиятлари орқали мурожаат қилишлари лозим бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлашни истар эдимки, шу пайтгача ҳам соҳадаги деярли барча корхона ва ташкилотлар, ўқув юртлари, кичик бизнес вакиллари жамғарма маблағларидан кенг фойдаланишган. Бунинг натижасида ташкил этилаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, уларнинг моддий-техника базалари кенгайди, янги замонавий техника ва технологиялар ўрнатилиши билан бирга аҳолига керакли қулайликлар яратилди. Зеро, аҳолига сифатли ва замон талабларига жавоб берадиган алоқа хизматларини тақдим этиш ҳамда шу орқали мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш жамғармаимизнинг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади.

Энг муҳими, олиб бораётган натижасида республикаимизда алоқа ва АКТ соҳаси ривожланиб, халқимизга кўрсатилаётган хизматлар сифатининг ошишига, уларга янги ва қулай нархларда хизмат кўрсатишга эришилаётганидир.

Равшан АСҚАВОВ,
Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси директори

НАМКОРЛИК УФҚЛАРИ

2008 йилнинг 31 январидан 2 февралга қадар Туркманистон пойтахти АШХОБОДДАГИ "СЕРГИ КЎШГИ" КЎРГАЗМАЛАР САРОЙИДА ЎЗБЕКИСТОН-ТУРКМАНИСТОН ХУҚУМАТЛАРАРО КОМИССИЯСИНИНГ ИККИ ТОМОНЛАМА ХАМКОРЛИККА БАҒИШЛАНГАН НАВБАТДАГИ ЙИГИЛИШИ ДОИРАСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛДИ. КЎРГАЗМАДА "ЎЗБЕКИСТОН АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ" ЭКСПОЗИЦИЯСИ УЧУН ХАМ КАТТА ЎРИН АЖРАТИЛДИ.



ТУРКМАНИСТОНДА

ЎЗБЕКИСТОН АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ НАМОЙИШИ

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга хизмат қилувчи мазкур тадбир республикаимиз Президенти Ислом Каримовнинг 2007 йил 18-19 октябр кунлари Туркманистонга давлат ташрифи доирасида эришилган битим ва шартномаларни амалга татбиқ этишда ўзига хос муҳим ўрин тутди.

Кўргазма ташкилотчи ва қатнашчиларига табрик йўлаган Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов мазкур тадбир ҳар икки мамлакат савдо-иқтисодий муносабатларининг янада кенгайишига замин ҳозирлашига ишонч билдирди.

Таъкидлаш жоизки, бу каби кенг кўламли Ўзбекистон Миллий кўргазмаси чет элда илк бор ташкиллаштирилди. Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, "Ўзэкспомарказ" ОАЖ, Ўзбекистон ва Туркманистон савдо-саноат палаталари мазкур тадбир ташкилотчилари бўлишди.

Умумий майдони 3000 квадрат метрни ташкил этган кўргазма жуда кўплаб соҳаларга бағишлангани боис Туркманистон ишбилармон доиралари учун бевосита Ўзбекистоннинг турли мулкчилик шаклидаги 130дан ортиқ етакчи компаниялари маҳсулот ва хизматлари билан танишиш, бўлажак ҳамкорлар билан ўзаро алоқалар ўрнатишларига яхши имконият яратди. Экспозициядан икки мамлакат ҳамкорлиги ривожининг истиқболли йўналишларига мувофиқ тарзда турли мавзулар ўрин олди. Жумладан, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган автомобилсозлик ва самолётсозлик, қишлоқ хўжалиги техникалари, саноат, маиший электроника, телекоммуникация хизматларидан тортиб ҳаёқ истеъмолчи молларигача — 3000дан ортиқ маҳсулот кўргазма экспонатлари қаторидан ўрин олди.

Кўргазма доирасида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг биринчи ўринбосари А.Избосаров ҳамда Туркманистон алоқа вазири ўринбосари, "Туркмантелеком" компанияси бош директори А.Бердинобатов ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Учрашув чоғида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги икки томонлама ҳамкорлиқнинг ҳозирги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Мамлакатимиз АКТ соҳаси ютуқ ва истиқболларини ўз ичига олган "Ўзбекистон ахборот технологиялари" стенди Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари ассоциацияси томонидан ташкиллаштирилди. Унда "Ўзбектелеком" АК ва унинг Инженер-техник маркази ҳамда "Ўзбектелеком Мобайл" филиали, Тошкент ахборот технологиялари университети, Фан-техника ва маркетинг



тадқиқотлари маркази, Ёш дастурчиларни қўллаб-қувватлаш ва қайта тайёрлаш маркази, "KOINOT" ОАЖ, "UZINFOCOM" маркази, "BAIK Technologies", "Intellegent Solutions", "Newmax Technologies", "infoCOM.UZ" журнали сингари компания ва ташкилотлар имкониятлари намойиш этилди.

Республикаимизнинг энг йирик телекоммуникация оператори — "Ўзбектелеком" АК стендида кенг турдаги хизматлар: электралоқа ва мобил алоқа оператор ва провайдерлари учун каналларни ижарага бериш, маълумотлар узатиш, овозли алоқа ва маълумотлар узатишга доир барча турдаги хизматлар, интернетга уланиш, видеоконференцалоқа, CDMA стандартида мобил алоқа хизмати кўрсатиш ва бошқалар намойиш этилди.

Миллий кўргазма ишида "Ўзбектелеком" АК ва Туркманистон халқаро ҳисоблашлар ва шартномалар маркази ўртасида музокара ўтказилиб, Туркманистон учун интернет канал ҳажмини 6 Мб/сонияга ошириш ҳамда икки мамлакат ўртасида кўшимча телефон каналларини ўтказиш борасида шартномага эришилди.

"Телекоммуникациялар" бўлимида мамлакатимизда CDMA-450 стандартидаги симсиз алоқа тизимини ривожлантираётган "Ўзбектелеком Мобайл" филиали таништирилди. Мазкур бўлимда, шунингдек мамлакатимизнинг яна бир компанияси — "KOINOT" ОАЖ рақамли ҳамда қишлоқ жойлари учун мўлжалланган кичик ва ўрта ҳажмли станциялар, ажратилган линиялар учун SHDSL-E1 модемлар, сигнализация жамламалари, оптик мультиплексорлар, Ethernet/E1 кўприклар ва бошқа маҳсулотлари намойишини ўтказди.

"Ўзбектелеком" АКнинг Инженер-техник маркази ҳам туркманистонлик мутахассисларда катта қизиқиш уйғотди. Маълумки, мукаммал моддий-техника базиси ва кучли мутахассисларга эга мазкур даргоҳ Марказий Осиёда телекоммуникациялар соҳасида мутахассисларни қайта тайёрлаш борасида етакчилардан ҳисобланади.




Шу ўринда таъкидлаш ўринлики, "АТ соҳасида таълим" шўба-сида жойлашган Тошкент ахборот технологиялари университети стенди ташриф буюрувчилар билан жуда гавжум бўлди. Туркманистоннинг деярли барча олий таълим даргоҳлари раҳбар ва талабалари Марказий Осиёнинг мазкур энг кекса ва нуфузли олий таълим муассасаси фаолияти билан яқиндан танишишга катта иштиёқ билдиришди.

Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази телекоммуникация тармоқлари ва хизматлари конвергенцияси, телекоммуникация тармоқларини бошқариш, тармоқлараро боғланишлар ва турли йўналишдаги телекоммуникация хизматлари трафиғи ўтказувчанлиғи, ахборот хавфсизлиги, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси, стандартлаштириш, метрология ва сертифицикатлаш, маркетинг тадқиқотлари, тариф сиёсати, ахборот технологиялари ва хизматлари, электромагнит мослашув, почта алоқаси, криптография ва криптоанализ, амалдаги норматив ҳужжатлар мониторингини, сифат тизими, дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш, давлат тилидаги АКТ атамаларини жорий этиш каби долзарб йўналишларда ўтказилган тадқиқотлари билан ташриф буюрувчиларни яқиндан таништирди.

Миллий кўргазмада Ёш дастурчиларни қўллаб-қувватлаш ва қайта тайёрлаш маркази 2007 йилнинг баҳорида бошланган "Эркин ва очиқ дастурий таъминот" лойиҳаси доирасида ишланаётган Dorrix миллий амалиётлар тизими намойишини ўтказди.

Шунингдек, мазкур марказ ва Туркманистоннинг йирик "АГА БИРЛЕШИК" компанияси ўртасида замонавий дастурий таъминот ишлаб чиқиш, уни жорий этиш ва хизмат кўрсатиш борасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Кўргазма стендларида "UZINFOCOM" марказининг бошқа фаолият йўналишлари қаторида UZ-CERT хизмати ҳам ёритилди. Жумладан, ташриф буюрувчилар



UZ-CERTified дастури билан яқиндан танишдилар.

"BAIK Technologies" компанияси кўргазмада "Germes" электрон ҳужжат айланиши, Terrasoft CRM, "Виртуал қабулхона" дастурий таъминоти, қурилиш сметаларини автоматик ҳисоб-китоб қилишга мўлжалланган "OURQIYMATASOS-2005" тизими каби ишланмалари билан иштирок этди. Мазкур компания билан дастурий маҳсулотларни Ўзбекистон ва Туркманистон бозорларига йўналтириш бўйича ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумни имзолади.

"Newmax Technologies" компанияси экспозициясини ташриф буюрувчилар катта қизиқиш билан кузатишди. Мамлакатимизнинг бу компанияси турли таъминотларда ишлатилувчи GPS-приёмниклар савдоси, шунингдек йўлдошли навигация технологиялари воситасида транспортлар мониторинги ва бошқаруви тизимларини ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

"Дастур таъминоти" бўлимида "Intellegent Solutions" компанияси "Электрон ҳужжат айланиши", "Яхлит банк тизими", "Биллинг тизими" ва бошқа тайёр ечимларини кўргазмага жойлаштирди.

Кўргазма чоғида "infoCOM.UZ" журнали ва Туркманистоннинг йирик АТ-компанияси — "Taze dunya" ўртасида ахборот ҳамкорлиги тўғрисидаги битимга эришилди. Ташриф буюрувчиларни барча маълумотлар билан етарлича таъминлаш мақсадида уч кун давомида журнал стендида турли виторина ва танловлар ўтказиб борилди. Фолиб ва совриндорлар сўнгги русумдаги мобил телефонлар, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган стационар телефонлар, USB-флешка ва бошқа хил совғалар эгаси бўлишди.

Умуман олганда, уч кун давомида кўргазманинг "Ўзбекистон ахборот технологиялари" стендида ташриф буюрувчилар сони 2000 нафардан ошди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги матбуот хизмати



XALQARO HAYOT

DAVLAT ALOQA INSPEKSIYASIDA

МУХОЛИФАТ
МУЗОКАРАГА РОЗИ

Чад мамлакатининг асосий қисмини ўз назоратига олган исёнчи қучлар бошлиги генерал Муҳаммад Нури Ливия раҳбари Муаммар Каддафий билан телефон орқали музокара ўтказган. Шундан сўнг исёнчилар ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш ва ҳукумат билан музокаралар ўтказишга розилик билдиришган.

Генерал Нури раҳбарлигидаги "Демократия ва тараққиёт учун иттифоқи" ўтган ҳафта Чад пойтахти Нжаменани ўз назоратига олган эди. Мамлакат президенти Идрис Итно Дебининг саройи ҳам қамалда қолган. Вазиятнинг бундай кескинлашуви муносабати билан хорижий давлатлар ўз фуқароларини ушбу мамлакатдан эвакуация қилишга уринмоқда. Бир пайтлар Чад Франция Республикасининг мустамлакаси бўлган. Шу боис, бу мамлакатда Франциянинг чекланган микдордаги ҳарбий контингенти жойлашган ва улар хорижлик фуқароларни ватанларига юборишга ёрдамлашмоқдалар. Маълумотларга қараганда, фарблик 200га яқин шахс ўз юртларига қайтариб бўлинган.

СОВУҚ ЗАБТИГА ОЛДИ

Япония пойтахти Токио шаҳри ва унга туташ префектуралар қалин қор билан қопланди.



"ИТАР-ТАСС" хабарига қараганда, об-ҳавонинг бундай ноқулай келиши натижасида бир киши ҳаётдан кўз юмган, кўплаб фуқаролар жароҳатланган. Токионинг шимол-шарқий томонидаги автомобил

йўлларидида транспорт ҳаракати тўхта қолган. Пойтахт яқинидаги тоғларда ўтказилаётган спорт мусобақалари вақтинча тўхтатилган.

КОЛОМБОДА ТЕРРОРЧИЛИК

Шри-Ланка пойтахти Коломбодаги темир йўл станциясида амалга оширилган террорчилик натижасида 14 нафар тинч аҳоли ҳалок бўлган, юздан ортиқ киши жароҳатланган.

"AFP" хабарига айтилишича, станцияга поезд яқинлашиб келганида камикадзе ўзини портлатиб юборган. Ушбу воқеадан сал аввалроқ шаҳарнинг жанубида жойлашган ҳайвонот боғида ҳам террорчилик содир этилган эди. Бир кун олдин эса Дамбула шаҳрида автобуснинг портлатиб юборилиши оқибатида ўндан ортиқ одам ҳалок бўлганди.

СОФ ДАРОМАД – 40,6
МИЛЛИАРД ДОЛЛАР

Жаҳондаги энг йирик нефт компанияси Exxon Mobilнинг 2007 йилдаги соф даромади 40,6 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Бу Америка нефт компаниялари тарихидаги энг катта кўрсаткичдир.

Exxon Mobilнинг халқаро бозордаги асосий рақобатчиси Британиянинг Shell концерни бу борада пастроқ кўрсаткични қайд этган. Концернинг ўтган йилдаги даромади 13,9 миллиард фунт стерлинг (28 миллиард АҚШ доллари)дан иборат бўлди.

Қузатувчилар Exxon Mobilнинг бу қадар йирик натижасига эришувини дунё бўйича нефт нархининг кескин ошганлиги билан изоҳлашмоқда. Жорий йилнинг январидида жаҳон бозорларида бир баррел қора олтин баҳоси 100,09 АҚШ долларига етди.

Интернет материаллари асосида
Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади

Давлат алоқа инспекциясининг Низомида белгиланган асосий вазифалардан бири истеъмолчилар ҳуқуқи ҳимоясини таъминлашдир. Бу эса, ўз ўрнида, инспекция ходимларининг олдига алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси хизматлари истеъмолчиларидан келиб тушаётган мурожаатларни ўрганиш, уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ҳамда хизматларни кўрсатаётган ҳўжалик юртувчи субъектларга нисбатан тегишли чоралар кўриштириш таъминлаш каби бир қатор вазифаларни кўяди.

ЭЪТИБОРСИЗЛИККА
ЙЎЛ ҚЎЙИБ БЎЛМАЙДИ

Таҳлилларга кўра, 2007 йил давомида Сирдарё вилояти Давлат алоқа инспекциясига виллоят бўйича жами 45та шикоят тарзидаги мурожаат тушган. Жумладан, телекоммуникация соҳаси бўйича 43та, почта алоқаси соҳаси юзасидан 2та. Инспекцияга бу мурожаатлардан 43таси «Ишон» телефони» хизмати орқали, 1таси Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва 1таси Миллий хавфсизлик хизмати виллоят бошқармаси орқали етказилган.

Ўтказилган ўрганишлар мурожаатларнинг 34таси корхона айби билан юзага келганлигини кўрсатди. Булардан 15таси Гулистон шаҳар телекоммуникациялар боғламаси (ШТБ)га, 14таси Янгиер ШТБга ҳамда 1тадан Сирдарё, Дехқонobod, Ховос ва Оқолтин туман телекоммуникациялар боғлама (ТТБ)ларига, 1таси эса Янгиер шаҳар почта алоқаси тармоғига тўғри келган.

Виллоятда номаълум шахслар томонидан содир этилган кабел ўғриликлари туфайли юзага келган муаммоларнинг ўз вақтида бартараф этилишини таъминлаш учун филиал томонидан Янгиер ва Гулистон ШТБларга кабел маҳсулотларининг вақтида ажратилмаганлиги тармоқнинг ишчи ҳолатини назорат мuddатларида тиклаш имконини бермаган. Бу эса мижозларнинг телефонлари узoқ мuddат давомида ишламай туришига, натижада кўрсатилаётган хизматлар сифатига мижозлар норозилигининг юзага келишига ва қайд этилган мурожаатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган.

2007 йилда шикоятлар сони 2006 йилга нисбатан 1,6 баробарга кўпайганлиги эса «Сирдарё Телеком» филиали ва унинг шаҳар ҳамда туман телекоммуникациялар боғламаси ходимлари томонидан алоқа соҳасига тааллуқли бўлган қонун, қонуности ҳамда норматив ҳужжатлар талаблари чуқур ўқиб ўзлаштирилмаганлиги ва уларга риоя этилмаганлиги сабабли юзага келганлигидан, йил давомида филиал бўйича телекоммуникация соҳасида сифат кўрсаткичларининг бажарилиши юзасидан амалга оширилган ишлар етарли даражада эмаслигидан далолат беради.

Кабел носозликларининг белгиланган назорат мuddатларида бартараф этилмаглиги, уларни тиклаш учун зарур чоралар кўрилмаганлиги сабабли 2007 йилда филиал бўйича шаҳар телефон тармоғида умумий тўхтовлар сони – 498236 тел/соатни, жумладан, Гулистон ШТБ – 321936 тел/соат, Янгиер ШТБ – 24696 тел/соат, Гулистон ТТБ – 54288 тел/соат, Ховос ТТБ – 84650 тел/соат, Пахтабод

ТТБ – 12666 тел/соатни ташкил этган. Ушбу тўхтовлар (тел/соатлар) масъул ходимлар томонидан 2007 йил III-IV чорак 13-шакл давлат статистик ҳисоботида кўрсатилмаган, натижада тақдим этилган ҳисоботларнинг ҳаққонийлиги таъминланмаган. Сирдарё вилояти Давлат алоқа инспекцияси томонидан олиб борилган мониторинг ва ўрганишлар натижасида бу ҳолат аниқланиб, филиалга 2007 йил III-IV чорак 13-шакл-сифат бўйича статистик ҳисоботида кўрсатилиши тўғрисида тавсиялар берилгандан сўнггина ушбу тўхтовлар статистик ҳисоботда кўрсатилиши таъминланган.

Шаҳар ва туман телекоммуникациялар боғламалари раҳбарлари ва мижозлар бўлими томонидан фуқароларнинг талабларини ижобий ҳал қилишда йўл қўйилаётган сусткашлик, мижозларга нисбатан муомала маданиятига амал қилмаслик ва телефон носозликларини назорат мuddатларида бартараф этиш чоралари кўрилмаслиги, филиал раҳбарияти томонидан қонун, қонуности ҳамда норматив ҳужжатлар талабларини бузиб келаётган раҳбар ва маъмул ходимларга нисбатан қонунчиликда белгиланган интизомий жазо чоралари кўрилмаслик ҳолатлари «Сирдарё Телеком» филиалида телекоммуникация соҳасида мижозларга сифатли хизмат кўрсатиш йўналишида олиб борилаётган ишлар қонқарсизлигини кўрсатмоқда.

Жумладан:

- Гулистон шаҳар, 5-мавзе, «Истиқлол» маҳалласида яшовчи 60та абонентнинг телефонлари кабел ўғрилганлиги сабабли 2007 йил 3 июлдан 1 ноябргача, яъни 120 кун ишламаган;

- Гулистон шаҳар, Богистон кўрғонидида яшовчи М.Назаров ва 19 нафар мижознинг телефонлари кабел ўғрилганлиги сабабли 2007 йил 22 майдан 15 октябргача, яъни 143 кун ишламаган;

- Гулистон шаҳар, «Ишон» ҳўжалигида яшовчи К.Мамаев ва 20 нафар мижознинг телефонлари кабел ўғрилганлиги сабабли 2006 йил 24 октябрдан 2007 йил 13 февралгача, яъни 114 кун ишламаган;

- Янгиер шаҳар, «Тараққиёт» кўчасида яшовчи фуқаро Г.Жуманазарова ва 19 нафар мижознинг телефонлари 2007 йил 28 августдан 2007 йил 1 октябргача кабел ўғрилганлиги сабабли, яъни 64 кун ишламаганлиги аниқланди. Бу билан Гулистон ва Янгиер шаҳар телекоммуникациялар боғламалари ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»-ги Қонунининг 18, яъни «Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш мuddатлари» моддаси талаблари бажарилиши таъминланмаган.

Қайд этилганлардан хулоса қилиб айтиш жоизки, соҳанинг даромад манбаи саналмиш мижозга бўлган беъэтиборлик наинки унинг норозилигига ва хизмат кўрсатаётган корхонага бўлган ишончининг йўқолишига, балки корхонанинг, қолаверса, соҳанинг ҳам обрўси тўқилишига ва даромадининг камайишига сабаб бўлади. Бундай ҳолга эса асло йўл қўйиб бўлмаслиги ҳар қандай ақли расо инсонга ҳам маълум.

Ўйлайманки, ўзини алоқачиман деб ҳисоблаган ҳар бир соҳа ходими юқорида қайд этилган камчиликлардан тегишли хулоса қилиб, лавозим йуриқномаси билан ўзига юклатилган вазифаларга виждонан ва масъулият ҳиссини сезган ҳолда ёндашди ҳамда жорий йилда бу каби камчиликларнинг келиб чиқишининг олдини олиш, хизматлар сифатини яхшилашга доир чора-тадбирларни белгилаш ва бажарилишини таъминлаш чораларини кўради.

Амангелди ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Сирдарё вилояти Давлат алоқа
инспекцияси бошлиғи



Эва Вайсбергнинг

Сўзини кўнглида пишқан, илгўрда тилга келтирилди,
Ва зарнеки-и, кўнглида бор — тилга сўрилди.

TO'UXAT

Битта газетани узоги билан бир соатда ўқиб тугатиш мумкин. Аммо унинг тайёр ҳолга келишидан тортиб, ўқувчи қўлига етиб боргунича жуда кўплаб инсонлар ҳаракати ётади. Тахририятлар, нашриётлар меҳнатини юзага чиқариш — газета-журналларнинг ўқувчилар қўлига тез ва соз етказилишида матбуот тарқатувчиларнинг хизмати алоҳида таҳсинга сазовордир. Яқинда ана шундай савобли ва шарафли касб эгаларидан бири, "Матбуот тарқатувчи" АКнинг даврий нашрларни тарқатиш бўлими катта чакана савдо уюштурувчиси, қарийб ярим асрдан буён пойтахт аҳолисига зиё тарқатиш фаолияти билан шуғулланиб келаётган **Ўткир АКБАРОВ 70** ёшини нишонлади. Шу кутлуг сана муносабати билан муҳбиримиз фахрий алоқачининг ҳаёт йўли, ўй-фикрлари ҳақида сўхбатлашди.

— **Ўткир ака, матбуот тарқатиш соҳасига қандай кириб келгансиз? Сиз фаолият бошлаган пайт билан бугунги кундаги матбуот тарқатиш ўртасидаги фарқ нимада?**

— Матбуот тарқатиш соҳасида 1960 йилдан буён ишлаяпман. Дастлаб сараловчи-экспедитор сифатида пойтахтдаги газета дўконларига даврий нашрлар тарқатганман. У пайтда корхонамиз "Тошкент союзпечат агентлиги" деб аталарди. Киши касбини севса, одамларга фойдаси тегаётганини астойдил ҳис қилсагина ўз касбининг ҳақиқий устасига айланиши мумкинлигига фаолиятимнинг илк паллаларидаёқ амин бўлгандим. Шу боис, нисбатан қисқа вақт ичида бу ишни ўрганиб олдим.

Илгари шаҳар унча катта эмас эди. Масалан, мен ишга кирган



Зиё тарқатувчи

пайтларда газеталар бор-йўғи тўртта юк машинасида дўконларга етказиларди. Саралаш учун махсус жойнинг ўзи йўқ, даврий нашрларни босмаҳонанинг ўзига бориб олардик.

Кейинчалик, шаҳар кенгайишига ҳамроҳанг равишда корхонамиз зиммасидаги ишлар ҳам кўпайиб кетди. Йўналишлар сони ошиб, масофаси узайди. Айниқса, сўнгги йилларда жуда кўп турдаги ва йўналишдаги газеталар пайдо бўлмоқда. Ҳозир вилоятларда ҳам кўплаб газеталар чоп этиляпти. Бугеги Самарқанддан, Намангану Андижондан жуда кўплаб газета оламиз. Буларнинг бари бизга янгича ишлаш тартибини жорий этиш талабини қўймоқда.

— **Ўз бўлимингизнинг бугунги фаолияти ҳақида ҳам тўхталсангиз.**

Ҳукмат

Ёш ҳар қанча бўлсин ишда ғайратли, Кўп кўрган кексанинг иши ибратли.

Хисрав ДEXЛАВИЙ

— Бўлимимизда 14 киши меҳнат қилади. Уларнинг барчаси ўз ишининг усталари. Газеталарни ўзлари саралаб, ўзлари дўконларга етказишади. Айниқса, Баҳодир Зокиров, Бахтиёр Магдеев, Абдугани Олимов сингари ходимларнинг меҳнатидан доим кўнглим тўқ. Қачон келишидан қатъи назар, мавжуд нашрларни дўконларга вақтида чиқаришга ҳаракат қиламиз. Яқинда ҳар бир сотилган газета фойда, сотилмагани зарар келтиришини ҳар бир ходим астойдил ҳис қилган ҳолда ишлайди. Дўстона кайфият, соғлом муҳит ҳар

қандай қийинчиликларни енгиб ўтишимизни таъминламоқда.

— **Киши ўтаётган умридан қониқши ҳосил қилиши ҳам бахт аслида, шундай эмасми?**

— Яратганга шукр, умримни фақат зиё тарқатишга, одамларга яхшилик қилишга сарфладим. Бирова ноҳақлик қилмадим. Жуда кўплаб шогирдлар етиштирдим. Рафиқам Сайёраҳон билан беш фарзандни ўстирдик, ўқитдик. Уларнинг ҳам эл-юрт хизматида бўлаётгани, 15 неварамнинг тинч замонларда униб-ўсаётгани мен учун жуда катта бахт, албатта. Буларнинг барчасига ҳалол меҳнатларим орқали эришганим билан фахрланаман.

Собит АХАДОВ
сўхбатлашди

MOBIL XIZMAT YANGILIKLARI

«ОДДИЙ» ТАРИФИ ЯНАДА ҚУЛАЙ

«Билайн» компанияси «Оддий» тариф режасига ўзгартиришлар киритди.



Ўзбекистондаги мобил операторларнинг рақамларига амалга оширилган кириш ва чиқиш кўнғироқлари баҳоси дақиқасига 2 цент, тармоқ ичидаги кириш кўнғироқлари — бепул, Ўзбекистон бўйича қолган барча кўнғироқлар — энди дақиқасига атиги 5 центдан иборат.

Мазкур тариф режасининг кўшимча афзаллиги шундаки, унда абонент тўлови мавжуд эмас. Уланиш ва қўшимча хизматлардан фойдаланиш билан боғлиқ барча шартлар ўзгартиришсиз қолдирилди.

Ҳозир бошқа тариф режаларидан фойдаланаётган абонентлар (жисмоний шахслар) ўз телефонларида 110*502# кодини териб ёки 0611 рақамига кўнғироқ қилиб «Оддий» тариф режасига ўтишлари мумкин.

3 МИЛЛИОН АБОНЕНТ

Ўзбекистоннинг йирик мобил алоқа компанияси «МТС-Ўзбекистон»



абонентлар базаси 3 миллионга етди. Таъкидлаш лозимки, бор йўғи 7 ой мобайнида абонентлар 1 миллионга кўпайди. Айниқса, йил охирида юқори ўсиш суръатлари қайд этилди, жумладан, декабр ойида 350 минг нафар янги абонент мобил алоқа оператори хизматларидан фойдаланишни бошлади.

2007 йилда МТС компанияси томонидан қолланадиган минтақа кенгайиши ва алоқа сифати яхшиланиши бундай ютуқларга сабаб бўлди.

РАУНЕТ : НАВБАТ УЙ ТЕЛЕФОНЛАРИГА

РАУНЕТ тизими хизматлари кўламнинг тобора кенгайиб бораётгани аҳоли учун янгидан-янги қулайликларни тақдим этмоқда. Чунки, республикамиз бўйлаб РАУНЕТнинг 5000дан ортиқ тўлов шахобчалари бўлиб, улардан бири сизнинг ёнгинангизда жойлашган бўлиши мумкин.

Шу вақтгача компания миқозлари реал вақт тизимида мобил алоқа, интернет, IP-телефония ва бошқа хизмат турлари учун тўловларни амалга ошириб келишаётган эди. Январ ойидан Тошкент шаҳар телефон тармоғи хизматлари учун ҳам тўловлар қабул қилина бошланди.

Эндиликда Тошкент шаҳри аҳолиси уй телефонлари

га РАУНЕТнинг исталган тўлов шахобчалари орқали тўловни амалга оширишлари мумкин. Айтилиш, сизнинг яшаш жойингиз АТС биносидан анча узоқда жойлашган ва у ерга бориш қимматли вақтингизни ўғирлайди. Ёки хизмат сафари билан бирор вилоятда маълум муддат қолиб кетдингиз, телефон учун тўловни эса тез кунларда амалга ошириш керак. Шундай вазиятларда сиз ён-атрофингизда жойлашган РАУНЕТ шахобчасига кириб, тўловни амалга оширасиз. Сиздан хизматлар учун тўланган сумманинг 3 фоизи миқдориди ҳақ олиб қолинади.

Ҳисоб рақамини тўлдириш реал вақт тартибидида амалга оширилади. 500 сўмдан 100 000 сўмгача бўлган исталган пул миқдоридида тўлов ўша захотиёқ "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали биллинг хизматида етказиб берилди. Тўлов қабул қилинганч, миқоз учун тўлов ўтганини тасдиқловчи чек чиқариб берилди. Бу чекда миқознинг телефон рақами, тўлов миқдори, вақти ҳамда бошқа маълумотлар кўрсатилган бўлади. Хизмат учун тўловлар ҳозирча "ТШТ" филиали биллинг тизими иш тартибига кўра ҳар куни соат 08:00дан 19:00гача қабул қилинмоқда.



Яқинда Ўзбекистон миллий матбуот марказида ушбу мавзуда бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Унда иштирок этган РАУНЕТнинг жамоатчилик билан ишлаш бўлими мутахассиси Пётр Тен, маркетинг бўлими бош мутахассиси Валерия Василенко, ушбу бўлим етакчи мутахассиси Музаффар Холмуродов ҳамда "ТШТ" филиали маркетинг бўлими бош мутахассиси Валерий Гулинлар журналистларнинг саволларига жавоб беришди.

Лутфилло ТУРСУНОВ

Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.

ЗАСЕДАНИЕ МЕЖВЕДОМСТВЕННОЙ КОМИССИИ

В Кабинете Министров Республики Узбекистан состоялось заседание межведомственной координационной комиссии по совершенствованию и повышению эффективности информационной деятельности и передачи данных.

Были подведены итоги деятельности межведомственной координационной комиссии в 2007 году и утвержден план работы на 2008 год.

Была заслушана информация о результатах мониторинга выполнения Закона «О государственном языке» хозяйствующими субъектами, занимающимися передачей телерадиопрограмм. Рабочая группа комиссии доложила об исполнении ранее принятых решений.

На заседании были рассмотрены заявления о предоставлении лицензий хозяйствующим субъектам, занимающимся оказанием услуг в сфере распространения телерадиопрограмм и передачи данных, а также права на распространение телепродукции зарубежных средств информации на территории Республики Узбекистан.

Приняты соответствующие решения по прекращению действия лицензий хозяйствующих субъектов, допустивших определенные недостатки в своей деятельности, а также по другим обсужденным вопросам.

УзА

ОБЪЯВЛЕНИЕ

АК «УЗБЕКТЕЛЕКОМ»
с 8 февраля 2008 года
объявляет о проведении
тендера по выбору
подрядчика на строительство
зоновой волоконно-
оптической линии связи в
Кашкадарьинской области по
нижеперечисленным ЛОТам


ЛОТы	Название участка	Длина участка км.
Лот 2-5	Яккабаг-Чиракчи	14,5
Лот 2-6	Муфта Яккабаг-Шахрисабз-Китаб	31,04
Лот 2-7	Карши-Касан-Муфта Актеле	41,3
Лот 2-8	Карши-Янги Нишан	28,64
Лот 2-9	Муфта Янги Нишан-Бешкент-Муглан	39,11
Лот 2-10	Муфта Муглан-Янги Миришкор	24,1
Лот 2-11	Муфта Янги Миришкор-Памук	34,7
Лот 2-12	Памук-РУТ Мубарек	33,25

Подрядные организации, желающие участвовать в конкурсных торгах могут получить пакет тендерных документов и основные объемы строительно-монтажных работ по адресу: г. Ташкент, ул. А.Темура 24, АК «Узбектелеком», отдел инвестиций (6-этаж).

Телефоны: 139-23-80, 234-96-10
(в рабочие дни с 9-00 до 17-00).

Прием тендерных предложений будет осуществлён по выше указанному адресу и завершится 10 марта 2008 года до 15-00 часов.

Трибуна специалиста



НАВИВНАЯ ТЕХНОЛОГИЯ СТРОИТЕЛЬСТВА ВОЛС

(Окончание.)

Преимущества оптического кабеля очевидны: — это широкополосность, большой оптический диапазон, невосприимчивость к электромагнитным помехам, малые габариты и вес кабеля и другие преимущества дают оптическому кабелю большие перспективы к применению.

В настоящее время в странах СНГ и в Узбекистане в частности, более 90% оптоволоконных кабелей прокладывается под землей, и эта традиционная технология заслуживает большего доверия, чем технология подвески оптического кабеля на опорах ЛЭП. Это связано с тем, что необходимо подвешивать оптический кабель к проводам ЛЭП на существующие линии, находящиеся в хорошем состоянии. Применять при этом различные технологии по подсоединению оптического кабеля к несущим проводам линии (ленты, зажимы или навивки). При монтаже такой конструкции необходимо иметь соответствующую арматуру, методику подвески на опоры ЛЭП. Использование несоответствующих нормативным требованиям креплений может повредить конструкцию кабеля и повлиять на пропускную способность оптических волокон из-за возникающих макро и микро изгибов.

Учитывая сформированную нормативную базу технологии традиционных методов

прокладки, можно отметить, что технология "воздушной" прокладки ВОЛС может привести к непредвиденным результатам из-за отсутствия нормативной базы, необходимых требований к совместной эксплуатации оптических кабелей связи и ЛЭП, отсутствие механизма взаимодействия энергетиков и связистов и другие нерешенные проблемы.

В целях обеспечения безопасности, надежности и живучести телекоммуникационной сети Республики Узбекистан считаем не целесообразным подвеску волоконно-оптических кабелей связи на существующих линиях электропередач и подключение к сети телекоммуникации общего пользования. Все это подтверждает, что данная "Навивная технология строительства ВОЛС" не приемлема в наших условиях.

Байсеит УТАБАЕВ,
директор дочернего предприятия
ЦНТМИ «ALQA VA TOZA ENERGIYA
TEKNOLOGIYALARI»

NSN-Дайджест

ПОДПИСАН СОВМЕСТНЫЙ ПРОЕКТ



25 января 2008 г. Nokia Siemens Networks и Global Mediacom объявили о совместном проекте по запуску коммерческой услуги трансляции мобильного ТВ, основанной на технологии цифрового видеовещания для портативных устройств (Digital Video Broadcast-Handheld, DVB-H). Проект будет осуществлен на территории Индонезии в первом полугодии 2008 г.

Договор о стратегическом партнерстве, подписанный компанией Nokia Siemens Networks и Global Mediacom — крупнейшей индонезийской группой, объединяющей медиа, телевизионное вещание, развлечения и телекоммуникации, является самым крупным договором Nokia Siemens

Networks в сфере DVB-H.

Первые услуги будут запущены Global Mediacom и Nokia Siemens Networks в регионе Jabodetabek до июля месяца 2008г.

MEGAEYES NOKIA SIEMENS NETWORKS

Корпорация China Telecom, ведущий поставщик проводных телекоммуникационных услуг Китая, выбрала компанию Nokia Siemens Networks в качестве основного поставщика решений для услуги видеонаблюдения MegaEyes. MegaEyes — услуга оператора, основанная на хост-IP и позволяющая получать высококачественные изображения при удаленном мониторинге. Компания Nokia Siemens Networks будет поддерживать новые широкополосные и мультимедийные услуги для решения MegaEyes от корпорации China Telecom, используя при этом полный портфель своих решений — от платформы видеонаблюдения до консультирования и системной интеграции, IMS, защиты сети и платформы предоставления мультимедийных услуг.



АФОРИЗМ

Коль ты умен, так каждый миг цени,
Ведь глупо будущим иль прошлым мерить дни.

Хабар + tv

ДУШАНБА — 11 ФЕВРАЛ



- 5.55 Курсатувлар дастури.
- 6.00 Ассалом, Забехистон!
- 7.00 «САРОЙ ЖАВОБИЯРИ». Т/с.
- 7.35 «Юртим бўйлаб» дастури: «Икки дерайрида».
- 7.50 «Олтин мерос».
- 8.00-8.45 «Таулинома».
- 8.45 «Мен бир ривоят».
- 8.50 «АЛИШЕР НАВОЙИ». Видеofilмлар.
- «Болалар сайёраси».
- 9.20 «Болалар дуноси».
- 9.40 «Ана-ука Грини артаклари». Мультфильм.
- 10.05 ТВ анорот.
- 10.10 «Одамни эрсанг...».
- 10.30 «Шахсий фикр».
- 11.00 «Алборот».
- 11.10 «Юртим бўйлаб» дастури: «Кумуш каш» Премьера.
- 11.20 «Хоман қишлоқ».
- 12.00 «Ассалом, Забехистон! Кундузи дастур».
- 13.05 «ТУРМУШ ЧОРАҚЛАРИДА». Т/с.
- 13.55 «Олтин мерос».
- 14.00 «Алборот».
- 14.20 «Эски альбом».
- 14.25 «Мен бир ривоят».
- 14.30 «АЕҒУ» Спектакль.
- 15.25 «Ватанпарвар».
- 16.15 «Забехистон қирққонаси».
- 17.00 «Алборот».
- 17.10 «Олтин мерос».
- 17.20 «Юрт мезари».
- «Болалар сайёраси».
- 17.40 «Эрталаб» — шашликка етдиқлар.
- 18.00 «Сендик асосатинга».
- 18.05 «ТУРМУШ ЧОРАҚЛАРИДА». Т/с.
- 18.50 «Бир кун».
- 19.15 «Онаиқлар оғушда».
- 19.25 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
- 20.00 «Алборот» (рус тилида)
- 20.05 «ТВ шифорос».
- 20.10 «АЧЧИК ЕЛҒОН». Телесериал премьераси (Туркия)
- 20.50 «Мен бир ривоят».
- 21.00 «Алборот».
- 21.35 Эркин мазуу.
- 21.55 «СУНГИ ҚИРОЛИЧА». Телесериал премьераси (Корея)
- 23.00 «Қўшиқимсан, муҳаббат» (SMS. Оқоз беринч)
- 23.15 «РАМАЯНА». Т/с.
- 23.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Буюк ишқ йўли».
- 00.10-00.20 Тунги навалар.
- «Dobriksat».
- 00.30 Курсатувлар дастури.
- 00.25 «Алишер Навоий». Видеofilмлар.
- 00.55 «Олтин мерос».
- 1.00 «Алборот» (рус)
- 01.35 «Ватанпарвар».
- 02.25 «Бир кун».
- 02.50 «Пари момо». Б/ф.
- 04.00 «Алборот».
- 04.30 Эски альбом.
- 04.35 «Олтин мерос».
- 04.45 «Мен бир ривоят».
- 04.50 «Турмуш чорақларида». Т/с.
- 05.35-05.55 Тонгли навалар.



- 15.65 Дастурини очиқлиши.
- 16.00 «Давр». Янгилеклар.
- 16.10 Т/с «ДЕНГИЗ ХУКМДОРИ».
- 16.45 «Келаоқ, бақор!».
- 16.50 «Болалар табасмуни».
- 17.00 «Давринг боласи».
- 17.10 «Чемпион».

- 17.30 «Калпоқ».
- 17.55 «Сумалаҳ хайли».
- 18.00 Т/с «АЛИЯ».
- 18.35 «ЦЕХ хабарлари».
- 18.40 «SMS-музыка».
- 18.55 «Йўлдам».
- 19.00 «Давр». Янгилеклар.
- 19.30 Т/с «ДЕНГИЗ ХУКМДОРИ».
- 20.10 «Атотарлул».
- 20.20 «ТВ-банк».
- 20.30 «ЦЕХ хабарлари».
- 20.40 «Бешлар навоси».
- 21.00 «Бақор сонгини».
- 21.05 «Yoshlar» анкетаси.
- 21.10 Т/с «АЛИЯ».
- 21.55 «Йўлдам».
- 22.00 «Давр». Янгилеклар.
- 22.30 «Музыка муқофаси».
- 22.45 Т/с «КАЙТАР ДУНЕ».
- 23.30 «Ақдоғлар садои».



- 17.50 Курсатувлар тарғиби.
- 17.55 Мультфильм: «Афсонавий маҳаббат» 1-қисм.
- 18.10 21.50 «Телекьюриер — маркетинг».
- 18.25 «Биласизми?».
- 18.30 «Поштах».
- 18.50 «Камила». Т/с.
- 19.20 «ТВ юрист».
- 19.25 «Музыка SMS».
- 19.50 «Саломат бўлинг!» /рус/.
- 20.00 «Поштах» /рус/.
- 20.15 «ТВ юрист» /рус/.
- 20.20 «Милларос». Т/с. /рус/.
- 20.50 «Интервью» /рус/.
- 21.00 «Жоизба».
- 21.30 «Поштах».
- 21.45 «Яйларим».
- 22.10 «Аён қабри».
- 22.30 «Поштах» /рус/.
- 22.45 «Кино SMS со звездами».
- 22.50-00.15 Кино: «Интуэция».



- 7.00 «Бодаро уғро».
- 6.00 «Талқин».
- 6.30 «Детективи».
- 9.00 «Верси».
- 9.25 «Маллохов +».
- 10.25 Сериал «Татлийн день».
- 11.10 Наҳотлийн тезис: «Бўғро TOP-12».
- 11.40 Батталоқ. Жаҳон чемпиони.
- 12.20-13.10 «Учрашуу». Шоу дастур.
- 18.00 «Полковник».
- 18.00 «Тет-а-тет».
- 18.30 «Хабарлар» (рус тилида)
- 18.50 «Муслик тайм».
- 19.10 «Ким нимга қадир?».
- 19.30 «Футбол шарҳ».
- 19.50 «Судалар».
- 20.00 «Пейсаж с убийство». Сериал.
- 20.50 Кураш. Забехистон чемпиони.
- 21.30 «Хабарлар» (узб. тилида)
- 21.50 «Жди меня».
- 22.40 ЕВРОФУТБОЛ. ИСПАНИЯ ЧЕМПИОНАТИ. «СЕВИЛЬЯ» - «БАРСЕЛОНА».
- 00.15 «Тузенич ошда бўлсан».




- 05.00 09.05 Телеканал «Добро уғро».
- 09.00 12.00 15.00 Новости
- 09.25 «Маллохов +»
- 10.25 «Контроль закупки»


- 11.00 Сериал «Убойная сила».
- 12.15 «Модный приговор».
- 13.25 «Детективи».
- 14.00 Другие новости
- 14.25 «Хочу знать».
- 15.20 «Секреты королевской семьи. Смерть принцессы Дианы».
- 16.05 Сериал «Огонь любви».
- 17.00 «Федеральный судья».
- 18.00 Вечерние новости
- 18.20 «Жди меня».
- 19.10 Сериал «Принцесса цирка».
- 20.05 «След».
- 21.00 03.00 «Время».
- 21.30 Сериал «Громыки. Дом надежды».
- 22.30 Проект «Одноэтажная Америка».
- 23.30 Тени на злodeи».
- 00.00 Ночные новости
- 00.20 Х/ф. «Перекресток».
- 02.10 Комедия «Мастер перевоплощения».



- 05.00 «Добро уғро. Россия!».
- 08.50 Х/ф «Желтый карлик».
- 10.45 17.50 «Вести. Деловая часть».
- 11.00 14.00 17.00 20.00 «Вести».
- 11.25 14.20 «Местное время. Вести - Москва».
- 11.45 Т/с «Частный детектив».
- 12.40 Х/ф «Подорок».
- 14.40 Т/с «Мачеха».
- 15.35 «Суд идет».
- 15.30 «Кулагин и партнеры».
- 17.30 «Местное время. Вести - Московская область».
- 18.05 Т/с «Женщина без прошлого».
- 19.00 Т/с «Родные люди».
- 20.30 «Местное время. Вести».
- 20.50 «Спокойной ночи, малыши!».
- 21.00 Т/с «Вызов».
- 22.55 «Мой серебряный шар. Георгий Товстоногов».
- 23.55 «Вести +».
- 00.15 «Честный детектив».
- 00.45 «Синемания».
- 01.15 «Дорожный патруль».
- 01.35 Комедия «Отбегание».
- 03.10 Т/с



- 06.00 «Сегодня утром».
- 09.00 «Следствие вели...».
- 10.00 13.00 16.00 19.00 22.40 «Сегодня».
- 10.25 15.30 18.30 «Чрезвычайное происшествие. Обзор».
- 10.55 «Куминарий студенок».
- 11.55 «Квартирный вопрос».
- 13.35 Т/с «Смичини».
- 16.30 23.05 Т/с «Улицы разбитых фонарей».
- 19.40 Т/с «Закон и порядок».
- 20.40 Т/с «Формула стилизи».
- 21.40 Т/с «План Б».
- 00.05 «Школа зоологов».
- 01.00 «Quattroto».
- 01.35 Х/ф «Опасная земля».
- 03.25 Т/с



- 07.00 Канал «Евроньюс».
- 10.10 19.30 23.30 «Новости культуры».
- 10.20 «В главной роли...».
- 10.40 01.35 Программа передач.
- 10.50 Х/ф «Нью-Орлеанская возлюбленная».
- 12.10 «Высшая ценность - человек».
- 12.35 «Титов измерение».
- 13.05 Телеспектакль «Мерзю у мекстера».

- 15.25 «Люди с особого континента».
- 15.55 «Парадиз ош».
- 16.00 М/с «Вокруг света с Вилли Фогом».
- 16.25 М/ф «Только для собак».
- 16.30 «Джугели воювак».
- 16.55 Д/ф «Дикки».
- 17.05 Д/с «Африка у поверхности земли».
- 8 с. «Рост - это еще не все».
- 17.35 А. Пушкин, «Евгений Онегин».
- 18.00 Д/ф «Солнечные коты Вилкина».
- 18.15 «Достоиние республик».
- 18.30 «БлокНОТ».
- 19.00 «Ночной полет».
- 19.55 Д/с «Великие путешественники».
- 20.50 «Острова».
- 21.30 «Тайны забытых побед».
- «Голос эпохи».
- 22.05 «Тем временем».
- 23.05 «Сказочное действие». «Окаленные годы».
- 23.50 «Про Арт».
- 20.50 «Экология литературы».
- 00.45 «Письмо китайскому другу».
- 01.25 «Музыкальный момент».
- 01.40 Д/с «Великие путешественники».
- 02.35 Д/ф «Долина Среднего Рейна. Медра и водный путь».



- 08.00 Т/с «Чудеса науки».
- 09.55 М/с «Смешарики».
- 10.00 12.30 19.00 Т/с «Моя прекрасная няня».
- 09.30 21.00 Т/с «Павильн докчи».
- 10.00 22.00 Т/с «Одна ночь любви».
- 11.00 20.30 02.00 Истории в деталях.
- 11.30 Т/с «Атлантика».
- 13.30 Т/с «Пети великопелный».
- 14.30 Т/с «Вся такая внезапная».
- 15.00 М/с
- 18.30 «Талилио».
- 19.30 Т/с «Тайны Сикстини».
- 23.00 Т/с «Король и шут».
- 00.00 Т/с «Голый пистолет».
- 01.40 6 кадров.
- 02.30 Т/с



- 08.00 М/ф.
- 09.15 М/ф.
- 11.30 Х/ф «Месь Розовой пантеры».
- 13.30 17.00 Услетъ за 23 минуты.
- 14.00 22.00 Д/ф «Разрушители мифов».
- 15.00 19.00 Т/с «Звездные врата», 107-108 с.
- 16.00 «Мастера фантастики. Страх-теды».
- 17.30 «Улыс».
- 18.30 Т/с «Кто-ли оборотель», 1 с.
- 20.00 Т/с «Крестный отец». Девяти, 12 с.
- 21.00 Т/с «Медик». 2 с.
- 23.00 Х/ф «Вешние музыка».
- 01.00 Т/с «Бодина», 1 с.
- 03.00 03.30 Т/с «Бабаи на ослета», 38-39 с. Профилактика.



- 06.00 Т/с «Любовь и тайны Санкт Пет».
- 06.35 «Глобальные новости».
- 07.00 13.30 19.00 Такси.
- 07.30 М/с «Ракетная мощь».
- 08.00 19.30 Москва: инструкция по применению.
- 08.30 «Необязательно, но факт».
- 09.30 14.00 14.30 Т/с «Саша + Маша».
- 10.00 18.00 20.00 Т/с «Ослетыви вместе».
- 11.00 М/с
- 15.00 21.00 23.55 «Дом 2».
- 16.00 Триллер «Пощелуй Дракона».
- 20.00 Комедия «Малышк в девочке».
- 00.20 «Секс» с А. Чеховой.
- 00.50 Наши песни.
- 01.10 Клуб бывших жен.
- 02.10 Драма «Большая белая оуба».

5.55 Курсатулар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон»
7.00 «САРОЙ ЖАВОХИРИ» Т/с.
7.35 «Юртим бўйлаб» дастури: -Икки даре оралигида.
7.55 «Олтин мерос»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35 «Минг бир ривоят»
8.40 «АЛИШЕР НАВОЙИ». Видео-фильм.
«Боллар сайраси»:
9.15 «Уйла, Ила, Топ!» ТелемуСОба.
9.55 «Ака-ука Гримм эртаклари». Мультсериал.
10.25 «КиноТеатр»
10.50 «Сизнинг адвокатингиз»
10.55 «ТВ шифкор»
11.00 «Ахборот»
11.15 «АЧИҚ ЕЛФОН». Т/с.
11.50 «Ахборот» (инглиз тилида)
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон» Кудузгаи дастури.
13.00 «СУНГИ КИРОЛИЧА». Т/с.
13.55 «Олтин мерос»
14.00 «Ахборот»
14.20 «ТУРМУШ ЧОРРАХАЛАРИДА» Т/с.
15.05 «Юртим бўйлаб» дастури: -Икки даре оралигида.
15.25 «Заковат»
16.10 «Бир кун»
16.35 «ИВВ хабарлари»
16.50 «Навуз наволари»
17.00 «Ахборот»
17.10 «Олтин мерос»
17.20 «Агар Сиз...»
«Боллар сайраси»:
17.40 «Эртанлар» -яхшилик етаклар»
17.50 «Минг бир ривоят»
18.05 «ТУРМУШ ЧОРРАХАЛАРИДА» Т/с.
18.55 «Худудлар хаёти»
19.10 «Осанлар овушида»
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.05 «ТВ шифкор»
20.10 «АЧИҚ ЕЛФОН». Т/с.
20.50 «Минг бир ривоят»
21.00 «Ахборот»
21.35 «Бир ўлка-ки...»
21.55 «СУНГИ КИРОЛИЧА». Т/с.
23.00 «Кудузгаи мансубат» (SMS. Овез бериш)
23.15 «РАМАЯНА» Т/с.
23.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Буюк илаҳ йўли»
00.10-00.20 Тунги наволар.
00.25 «Хабарлар»
00.30 Курсатулар дастури
00.25 «Алишер Навоий». Видеофильм.
00.55 «Олтин мерос»
01.00 «Ахборот» (рус)
01.35 «Ешлар майдон»
02.35 «Чемпион»
03.00 «Ахборот» (инглиз тилида)
03.10 «KINOMANIYA»
03.40 «Истеълод»
04.00 «Ахборот»
04.30 Эски альбом.
04.35 «Олтин мерос»
04.45 «Минг бир ривоят»
04.50 «Турмуш чорраҳаларида». Т/с.
05.40-05.55 Тунги наволар.



Телеомошабаран диюжати!
Профилатика муносабати билан сешанба, 12 феврал куни «Yoshlar» телеканали ўз курсатуларини соат 15.55 дан бошлайди.
15.55 Дастуринг очилши.
20.35 01.50 «Рыбалка с Радзишевским»
21.35 Волейбол. ЛН. Мужчины. 1/8 финала.
23.10 05.45 Сноуборд. Кубок мира.
01.05 «Скоростной участок»
01.35 Волейбол. ЛН. Мужчины.

Чоршанба

07.40 Автопорт. ЧМ по ралли.
08.45 11.00 14.55 17.40 21.40 01.55
«Вести-спорт»
09.00 10.00 «Зарядка с чемпионом»
09.15 М/ф «Волшебник Изумрудного города»
09.30 М/с «Скуби-Ду и Серрапи-Ду»
10.15 Т/с «Свой команда»
10.45 «Мастер спорта»
11.10 «Скоростной участок»
11.45 Конькобежный спорт. ЧМ по многоборью.
13.45 Бобслей. Кубок мира. Четверки.
15.05 Регби. «Кубок шести наций». Италия - Англия.
17.10 «Путь Дракона»
17.55 Хоккей. Чемпионат России.
20.30 Настольный теннис. Чемпионат России.
21.35 Футбол. Кубок УЕФА. 1/16 финала. «Севилл» (Россия) - «Вильярреал» (Испания).
00.00 Бокс. ЧМ. Индивидуальная техника. Женщины.
02.05 Волейбол. ЛН. Мужчины. 1/8 финала. «Фридрихсхаим» (Германия) - «Линен» (Мексика).
04.00 Футбол. Кубок УЕФА. 1/16 финала. «Галатасарай» (Турция) - «Валенсия» (Германия).
08.05 «Летписки спорта» Самые быстрые и медленные.

Пайшанба

06.40 Хоккей. Чемпионат России. «Авангард» (Омская область) - «Салават Юлаев» (Уфа).
08.45 11.00 15.20 19.10 23.00 02.25
«Вести-спорт»
09.00 10.00 «Зарядка с чемпионом»
09.15 М/ф «Волшебник Изумрудного города»
09.30 М/с «Скуби-Ду и Серрапи-Ду».

10.15 Т/с «Свой команда»
10.45 «Мастер спорта»
11.10 «Путь Дракона»
11.40 Хоккей. Чемпионат России.
13.45 Бокс. ЧМ. Индивидуальная техника. Женщины.
15.30 Футбол. Кубок УЕФА.
17.35 23.55 «Тока отрыва»
18.05 Настольный теннис. Чемпионат России.
19.25 Гандбол. ЛН.
21.10 04.40 Бокс. ЧМ.
23.20 «Летписки спорта»
00.25 Футбол. Кубок УЕФА.
02.35 Футбол. Кубок УЕФА.

Жума

06.40 Футбол. Кубок УЕФА.
08.45 11.00 13.45 18.40 23.15 02.50
«Вести-спорт»
09.00 10.00 «Зарядка с чемпионом»
09.15 М/ф «Волшебник Изумрудного города»
09.35 М/с «Скуби-Ду и Серрапи-Ду»
10.15 Т/с «Свой команда»
10.45 Хоккей. Чемпионат России.
11.10 «Тока отрыва»
11.40 Футбол. Кубок УЕФА.
13.55 Хоккей. Чемпионат России.
16.25 «Рыбалка с Радзишевским»
16.40 Бокс. ЧМ. Индивидуальная техника. Женщины.
18.30 04.40 Хоккей. Чемпионат России.
21.10 Хоккей. Чемпионат России.
23.35 «Вести-спорт. Местное вяртия»
23.45 ПЕ. Марко Антонио Баррера (Мексика) - Хун Мануэль Маркес (Мексика).
00.55 Баскетбол. Чемпионат России. Мужчины. Тренер (Московская область) - «Химки» (Московская область).
03.00 Бобслей. ЧМ. Женщины.
04.10 «Летписки спорта» Самые быстрые и медленные.

Шанба

07.00 Баскетбол. Чемпионат России.
09.00 11.00 15.10 18.40 23.55 02.25

«Вести-спорт»
09.10 22.45 Бобслей. ЧМ. Женщины.
11.10 00.15 «Вести-спорт. Местное вяртия»
11.45 «Летписки спорта». Большой теннис.
11.45 ПЕ. Марко Антонио Баррера - Хун Мануэль Маркес.
12.55 Самбо. Кубок Президента РФ.
14.10 Бобслей. ЧМ. Мужчины. Двойки.
15.20 Футбол. Журнал Лиги чемпионов.
16.00 Бобслей. ЧМ. Мужчины. Двойки.
16.55 Бобслей. Чемпионат России.
18.55 Бокс. ЧМ. Масс-старт. Женщины.
19.55 04.10 Легкая атлетика. Кубок Европы.
00.25 Футбол. Чемпионат Италия. «Ювентус» - «Рома»
02.35 «Рыбалка на лыжах с трамплина. Кубок мира».

Якшанба

07.00 Волейбол. Чемпионат России.
09.00 11.00 14.45 18.40 23.55 03.10
«Вести-спорт»
09.10 Бобслей. ЧМ. Женщины.
11.10 00.15 «Вести-спорт. Местное вяртия»
11.45 «Страна спортсменов»
11.55 Бокс. ЧМ. Эстафета. Мужчины.
13.40 05.45 Легкая атлетика. Мексиканский турнир.
15.00 17.00 Бобслей. ЧМ. Мужчины. Двойки.
18.55 Приход на лыжах с трамплина. Кубок мира.
19.05 «Сборная России». А.Валчинин.
18.55 Футбол. Чемпионат Италия. «Делта» - «Салернитана»
20.55 Приход на лыжах с трамплина. Кубок мира.
22.15 Гандбол. ЛН.
00.20 Бокс. ЧМ.
01.25 Бокс. ЧМ.
03.20 Самбо. Кубок Президента РФ.
04.35 Бобслей. ЧМ. Мужчины. Двойки.

● JAHON POCHTASI

Исроил почтаси

УЛКАН ИСЛОҲОТЛАР
БЎСАҒАСИДА

(Давоми. Бошланиши ўтган сонда.)

Хизматлар
кўп ва ҳў бўлса...

Исроил почта бошқармаси фаолият бошлаган 1987 йилга таққослаганда, айни пайтда почта бўлимлари сони 10 фоизга кўпайган, яъни ўшандан буён 60та кўшимча почта бўлими очилди. Бунинг натижасида почта транспорти босиб ўтадиган йўл 35 километрдан 32 километргача камайди. Мобил почта бўлимлари хизмат кўрсатувчи шаҳар ва қишлоқлар сони 300тани ташкил этади. Мижозларга энгиллик туғдираётган бундай компютерлаштирилган янги хизмат станциялари аксарият почта бўлимларида ишлаб турибди.

Дистрибуция марказларидаги почта қутилари сони 93 мингдан 398 минггача кўпайди, фуқароларга ижарага бериладиган почта қутилари сони эса 148 мингтадан 198 мингга етди. Айни пайтда Исроил почтасида доимий ишловчилар етти минг киши (аутсорсинг асосида хатларни етказиб бериш билан шуғулланувчи почтачилар ва ишчиларни ҳам ҳисоблаганда)ни ташкил этади. Почта муассасаси ташкил топган 1987 йилдан буён олий маълумотли ходимлар сони 31 фоиздан 66 фоизгача ўсган.

Ички, халқаро кирувчи-чикувчи оддий ва бююртма хатлар сони 1987 йили 373 миллионгани ташкил этган бўлса, йигирма йил давомида 70 фоизлик ўсиш натижасида 632 миллионга етди. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган хат ва жўнатмалар кўрсаткичи ўртача 28 фоизга ўсди. Ички жўнатмалар бозорида қаттиқ ўзгаришлар кузатилмасда, чет элга юбориладиган жўнатмалар салмоғи 21 фоизга кўпайган. Янги жўғрофий ҳудудлар, хилма-хил хизматлар тақдим этилиши ва почта траффининг ошиши ҳисобига экспресс-почта хизмати тобора ривожланиб борапти. Ўз навбатида, янги технологиялар почта ишончилиги ва тезлигини таъминловчи асосий воситалар бўлиб қолмоқда. Замонавий кузатиш тизимлари исталган жўнатма ҳолати ҳақида исталган вақтда маълумот олиш имконини беради. Охириги ўн йилда мамлакат миқёсида экспресс-почтадан фойдаланишда катта ўсиш кузатилди. Масалан, 1997 йилда бундай хатлар сони жами 20 мингта бўлган бўлса,


ўтган йили 3 миллион 200 мингтани ташкил этди.

Шунингдек, Халқаро экспресс-хизмат (EMS) ҳам ўз фаолият доирасини кенгайтиришга эришди. Масалан, 1987 йилда 15 мамлакат билан боғланган мазкур хизматдан Исроилнинг фақат уч йирик шаҳри аҳолиси фойдаланарди. Эндиликда эса жаҳоннинг 140 мамлакати билан алоқа ўрнатилган бўлиб, бу қулайликдан деярли барча шаҳар ва қишлоқлар аҳолиси фойдаланмоқда.

1990 йилдан Исроил почтаси ўз мижозлари учун мамлакат бўйлаб ва хориж миқёсида Shoham (телеграмма, телекс, телефакс каби шошилинч хабарларни электрон шаклда юбориш) хизматини жорий этди. Шу ўринда бу кўхна



ёки ишхона компютерлари орқали фойдаланишлари мумкин бўлган онлайн банк хизматлари яхши мисол бўлади. Ҳозирги кунда Почта банкидаги марказий компютерга уланган онлайн-банкнинг дастури билан таъминланган компютерларни Исроилдаги 270та почта бўлимида учратиш мумкин.



ўлкада янги технологияларнинг роли ошиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим бўлади. Масалан, ҳозир телеграмма жўнатиш сезиларли даражада камайган. Аммо почта компанияси маълумотларига қараганда, маҳаллий ва халқаро йўналишларда факс жўнатиш кўпайган. Энг асосийси, мазкур компания кўрсатаётган хизматлар сифати ошганлиги бўлди. Жумладан, оддий хат етказиш муддати йигирма йил илгари ўртача икки ярим кунни ташкил этган бўлса, ҳозирда 1,5 кун одатий ҳолга айланди. 48 соат оралигида етказилган хатлар миқдори 61 фоиз (1987 йил)дан 89 фоизгача ўсди. 80-йиллар охириларида ҳар бир мижоз почта бўлимида ўртача 9 дақиқа вақтини кутишга сарфлаган бўлса, ҳозир атиги 4 дақиқада ишини битирмоқда.

Сўнгги ўн йилликда Исроил почта хизмати мижозларга хилма-хил янги банк хизматларини кўпроқ тақдим этишга ҳаракат қилмоқда. Бунга мижозлар уй

Бунга мувофиқ равишда банк транзакциялари сони йигирма йилда 31 фоизга ўсди.

Почта банки

Почта банки — Исроилдаги энг йирик тармоқли банк. Мамлакатнинг турли нукталаридаги барча почта бўлимларида банк шахобчалари мавжудлиги ва аниқ жадвал асосида мунтазам ишлаганлиги боис, аксарият фуқаролар улардан фойдаланишни маъқул кўришди. Бунинг устига, қўшимча онлайн хизматлар, бошқа тижорий банкларникига қараганда қулай нархлар ва фоизлар ҳам почта банкининг оммалашувида муҳим омил бўлмоқда. Банк кўплаб қўшимча хизматларни йўлга қўйган — корпоратив мижозлар, вазирликлар ва хусусий мижозлар учун тўловларни амалга ошириш, Исроил ва чет мамлакатларда пул ўтказмалари амалиёти ва ҳоказолар.

(Давоми бор.)

ALOQA OLAMIDA

АЧЧИҚ САБОҚ

Мобил телефонингиз зарядлаш қурилмасига уланган пайтда зинҳор ундан фойдаланманг — бу жуда хавфли! Яқинда Гана мамлакати фуқароларидан бири — ёш бола билан содир бўлган аянчли ҳодиса яна бир бор барча-барчамизни доимий хушёрлик ва эҳтиёткорликка ундаса эҳтимол.

Ганалик бола электр тармоғига уланган мобил телефон кўнғироғига жавоб қайтармоқчи бўлади. Аммо у оғиз жуфтлашга ҳам улгурмади... уни кучли электр токи урганди.

Шовқинни эшитиб югуриб келган ота-она фарзандларини қўл бармоқлари куйган ва беҳуш ҳолатда учратишди. Тезлик билан шифохонага етказилганлигига қарамай, шифокорлар боланинг ҳаётини сақлаб қола олмадилар.

МОБИЛ ТЕЛЕФОНЛАР
БОЗОРИДА
ЯНГИ НОМ

GPS-қурилмалар ишлаб чиқаришга ихтисослашган Garmin компанияси ўзининг биринчи мобил телефони (navigo)ни чиқаришини маълум қилди.

GSM/HSDPA тармоқлари учун мўлжалланган navigo сенсорли интерфейсли ўз амалиётлар тизимида ишлайди. Бу смартфон ёрдамида веб-сайтларга кириш, электрон почта жўнатиш ва қабул қилиш, лаҳзалик хабарлар алмашиш, мусиқа тинглаш, филмлар томоша қилиш ва видеотасвир олиш мумкин. Бундан ташқари, GPS-навигация қурилмаси ва Garmin онлайн сервис мавжуд.

Янги маҳсулот шу йилнинг 3-чорагида савдога чиқарилиши кутилмоқда.



ИНТЕРНЕТ
УЗИЛИБ ҚОЛДИ...

Ўтган ҳафтанинг чоршанба куни (30 январ) Миср, Ҳиндистон ва Форс кўрфази мамлакатларида интернет-алоқа узилиб қолган. Бунга Ўрта Ер денгизи тубидан ўтказилган икки йирик кабелдаги бузилишлар сабаб қилиб кўрсатилган. Ҳодиса Мисрнинг шимолий соҳили, Александрия портига яқин жойда содир бўлган.

Миср алоқа вазирлигининг баёнот беришича, мамлакатнинг 70 фоиз интернет тармоғи ишдан чиққан. Ҳиндистонда каналларнинг ўтказувчанлиги икки баравар камайган, шунингдек, Форс кўрфази мамлакатлари фойдаланувчилари ҳам интернет-алоқа тезлиги пастлигидан шикоят қилишган. Ҳиндистон интернет-провайдерлар уюшмаси президенти Ражеш Чхарианинг сўзлашича, тармоқни тўлиқ ишга тушириш учун 10-15 кун керак бўларкан.

ОСИЁДА
ДОМЕНЛАР САВДОСИ

ASIA домени тарихида илк бор домен номлари аукционга ўтказилди.

Биринчи натижаларга кўра, сотилган доменлар ўртача нархи 1,5 минг долларни ташкил этган. Энг қиммат ном сифатида ҳозирча 7,6 минг долларга баҳоланган Tyco.asia домени қайд этилди. Кутилмаганда Extra.asia домени жуда арзон — 10 долларга баҳоланди.

2008-YIL — YOSHLAR YILI

Демократик ҳуқуқий давлат куришда халқнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, қонунларни билмаган, уларга амал қилинмаган жойда тартиб-интизом ва фаровон ҳаёт бўлмайди. Шунинг учун ҳам фуқаролар, айниқса, ёшларда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш мафқуравий тарбиянинг муҳим шартидир.

Бизнинг фикримизча, Конституцияни пухта ўрганиш, ундан самарали фойдаланиш, инсон ҳуқуқларини белгиловчи омилларга риоя қилиш, ҳуқуқий маданиятга оид оммабоп адабиётларни кўпроқ чоп этиш, таълим муассасаларида махсус ўқув курслари ташкил этиш, мустақилликнинг инсон манфаатларига қаратилган ҳуқуқий асосларнинг кенг халқ оммаси орасида тарғиб этиш, радио ва телевидениеда ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга оид эшиттириш ва кўрсатувлар ташкил қилиш сингари тадбирлар ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда муҳим омил бўлиши мумкин.

Юртбошимиз И.Каримов таъкидлаганидек: "Ҳуқуқий маданият даражаси фақатгина қонунларни билиш, ҳуқуқий маълумотлардан хабардор бўлишдангина иборат эмас. У — қонунларга амал қилиш ва уларга бўйсунуш маданияти демакдир. У — одил судни

Ҳуқуқий маданият — давр талаби

хурмат қилиш, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этиш эҳтиёжи демакдир. Ҳуқуқий маданият дегани — турли можароларни халқ қилишда қонунга хилоф кучлардан фойдаланишни рад этиш демакдир".

Жамиятимизни ислоҳ қилиш ва модернизациялаштириш муҳим масалалардан бири. Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 28 февралда Ўзбекистон Республикасининг конституциявий қонуни қабул қилинганлиги ва "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация

қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида" ги қонуннинг Сенат томонидан 2007 йил 29 мартда маъқулланганлиги жамиятда ҳуқуқий маданиятни такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Бу қонуннинг асосий мақсади давлат бошқарувини янгилаш ва янада де-

партиянинг қарашларига қўйилиши ёки қўйилмаслик ихтиёрий бўлиб, бундай эркинлик ёшларни фикрлашга, ўзига мустақил йўл танлашга хизмат қилади. Ўз дастурий гоёларини ҳаётга татбиқ этиш жараёнида ҳар бир партиянинг миллий истиқлол мафқурасининг асосий тамойилларига амал қилиши ҳаётнинг бош мезонидир. Чунки, халқ манфаатлари, истиқлол гоёлари, қайси сиёсий ва мафқуравий кучга мансублигидан қатъи назар, барча фуқаролар учун муқаддасдир.

Ҳуқуқий маданият бу кишиларнинг ҳуқуқий билимларни пухта эгаллашларини ва ўзлари эгаллаган ҳуқуқий билимлардан амалда фойдаланишни ҳам назарда тутати. Маълумки, ҳуқуқий маданият узок вақт давомида шаклланади. Ҳуқуқий билимларни яхши билган, қонун йўл қўйган имкониятлардан самарали фойдаланган, қонун-қоида тақиқланган хатти-ҳаракатдан тийилган шахсни биз ҳуқуқий маданиятли инсон десак янглишмаймиз.

Ҳуқуқий маданиятли инсон — қалб шифокори саналади. У қалбларни, дилларни, инсон онгини ҳуқуқий билимлар билан тўлдиради, маданий савияни оширади. 2008 йил — Ёшлар йилида ҳуқуқий маданиятни, дунёқарошни кенг, жисмонан соғлом, ақлан баркамол, маънавий юксак, эстетик дидли ёшлар сафининг ортиши жамият маънавиятининг асосий кўрсаткичи бўлиб қолади.

**Н. ТАШЛАНОВА,
Ў. КАРИМОВА,
ТАТУ Фаргона филиали
"Гуманитар ва
иқтисодий-иқтисодий
фанлар" кафедраси
ассистентлари**

ТИЛ ЎРГАТИШ ВА КОМПЮТЕР САВОДХОНЛИГИ БЎЙИЧА ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН ЎҚУВ МАРКАЗИ
НАТИЖА БИРИНЧИ ДАРСДАН

1-РАҚАМЛИ ЎҚУВ МАРКАЗИ



Хизматлар лицензияланган

Машғулотлар Улуғбек ХАСАНОВнинг услуги бўйича олиб борилди.

Тел.: **Навоий — 226-0007**
Бухоро — 223-2569
Тошкент — 281-4400
383-2000 (узлуксиз).

Манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси-30.

Марказ шартнома орқали таълим муассасалари, элчихоналар ва ташкилотларга бориб, дарс ўтиш имкониятига ҳам эга.

ҲАЁТНИ СЕВАСАНМИ? СЕВСАНГ, ВАҚТНИ БОЙ БЕРМА!

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!!! "ЭФФЕКТ - МОЛИЯ"

ЎҚУВ МАРКАЗИ ҚУЙИДАГИ ИНТЕНСИВ ЎҚУВ БЎЛИМЛАРИГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:



I. МОЛИЯ-ИҚТИСОД, ҲУҚУҚ ВА БОШҚАРУВ БЎЛИМИ:

- (малакали раҳбар ва бош ҳисобчилар дарс берадилар)
- **Бухгалтер-молиячи** (бош ҳисобчи даражасида) - 1 йил, тезкор 3 - 5 ой, 1 ойга — 35 минг сўм (нондан балансгача, компютер, Internet, "1С" бухгалтерия программаси).
- **"1С" бухгалтерия программаси** - 1 ой, тезкор - 8 кун, 80 минг сўм. Яққа тартибда.
- **"1С" бухгалтерия программасини ўрнатish хизмати** - шартнома асосида.
- **Корхона ҳуқуқшунослиги** (Компютер. Ҳужжатлаштириш. Мехнат қонунчилиги. Бизнеснинг ҳуқуқий асослари. Бухгалтерия) - 1 йил, тезкор 3 - 5 ой, 1 ойга — 40 минг сўм.
- **Банк иши** (офис ва банк программаси, кредитлаш ва бухгалтерия) - 1 йил, тезкор 3 - 5 ой, 1 ойга — 40 минг сўм.
- **Кадрлар иши** - 6 ой, тезкор - 2 ой, 1 ойга — 40 минг сўм (компютер, Internet, мехнат қонунчилиги).
- **Секретар-референт** - 3 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 40 минг сўм (компютер, Internet, иш юритиш тактикаси).
- II. АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ БЎЛИМИ:** (фақат яққа тартибда)
- **Компютерда офис ишлари** (бошловчилар учун тўлиқ курс): Windows XP, Microsoft Office: Word, Excel, Paint. Муддати - 2 ой, тезкор ўқитиш - 1 ой ёки 15 кун, 1 ойга — 15 минг сўм.
- **INTERNET ва E-MAIL** (электрон пошта) - 15 кун, тезкор - 4 кун, 15 минг сўм.
- **Компютерларни модернизациялаш, янгиш ва дастурларни ўрнатish** - 1 ой, тезкор - 6 кун, 1 ойга — 40 минг сўм.
- **Компютерларро локал тармоқлар ва сервер бошқаруви** - 1 ой, тезкор - 6 кун, 40 минг сўм.
- **Photoshop, Corel Draw, 3D Max, Auto Cad, Flash MX, Page Maker, Adobe Premiere** (видеомонтаж) дастури - 1 ой, 40-50 минг сўмдан.
- **WEB-сайтлар яратиш** (HTML, JAVA, Home Site, Dreamweaver) -

- 2 ой, 1 ойга — 50 минг сўм.
- **Дастурлаштириш** (VISUAL C++ NET, BASIC 6,0 DELPHI) - 6 ой, тезкор 3 ой, 1 ойга — 150 минг сўм.
- **SQL (Server) маълумотлар базаси бошқарувчиси** - 2 ой, 1 ойга — 150 минг сўм.
- **Уяли телефонни таъмирлаш** - 3 ой, 1 ойга — 100 минг сўм.
- **Уяли телефонни дастурлаштириш** - 1 ой, 200 минг сўм.
- **Программаларни ўрнатish, дискларга ёзиш, офис техникалари билан ишлаш, антивирус билан ишлаш** - 1 ой, 100 минг сўм.
- **Аудио, видеоаппаратуралар таъмирловчи** - 4 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 50 минг сўм.
- III. ТИЛЛАРНИ МУКАММАЛ ЎРГАНИШ БЎЛИМИ:** (кичик гуруҳларда, аудио-видео аппаратуралар ёрдамида)
- **Инглиз тили** - (бошловчилар учун) - 4 ой, (чўқур ўрганиш) гит-таржимон - 4 ой, (олий курси) гаплашув клуби - 4 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.
- **Рус тили** - (бошловчилар учун) - 4 ой, (давом эттирувчилар учун) - 4 ой, гаплашув клуби - 4 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.
- **Немис, француз, инглиз, рус, корейс, турк ва араб тиллари** - (яққа тартибда) - 4 ой, ҳафтада 3 марта, 1 ойга — 100 минг сўм.
- IV. ЙИГИТ-ҚИЗЛАРНИ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШ БЎЛИМИ:** (фақат кичик гуруҳларда)
- **Электромонтёр** - 4 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 50 минг сўм.
- **Сартаро-стилист, педикюр-маникюр** (эрмаклар ва аёллар учун) - 4 ой, тезкор - 2 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.
- **Тирноқларни ва килриқларни ўстириш, тирноқларни коррекциялаш, акрил ва гуаш билан гул ясаш, чизиш** (яққа тартибда) - 1 ой — 150 минг сўм.
- **Косметолог-визажист** - 2 ой, олий курси билан тезкор - 1 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.
- **Тиббиёт ҳамираси, массажи** - (компютер ва интернет


- билан) 1 йил, тезкор - 3 ёки 5 ой, 1 ойга — 20 минг сўм. Ўқитиш полилинкида.
- **Фармацевтика** (компютер, интернет билан) - 1 йил, тезкор - 3 ёки 5 ой, 1 ойга — 20 минг сўм. Ўқитиш дорожонда.
- **Кийимларни тикish-бичиш, моделлаштириш ва элита пардалар** - 4 ой, тезкор - 2 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.
- **Астарли устки кийимлар тикish** - 3 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 30 минг сўм (яққа тартибда).
- **Туй ва оқшом кўйлаклари тикish** - 2 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 25 минг сўм (яққа тартибда).
- **Газламалардан гуллар ясаш** - 2 ой, тезкор 10 кун, 1 ойга — 25 минг сўм.
- **Қўлда кийим-буюмлар тўқувчи** (яққа тартибда) - 3 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 25 минг сўм.
- **Бисер усулида каштачи-безакчи** (олий курси билан) - 2 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.
- **Бисер асосида дизайн** - (яққа тартибда) - 2 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.
- **Зардўзлик** - (яққа тартибда) - 3 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 25 минг сўм.
- **Машинада ва қўлда кашта тикish** (вишилка) - 3 ой, 1 ойга — 25 минг сўм (яққа тартибда).
- **Юмшоқ ўйинчоқлар ясаш** (яққа тартибда) - 2 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.
- **Ўйгур, миллий ва европа таомлари** (70дан ортиқ овқатлар) - 3 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.
- **Пазандачилик** - (пишшириқлар, тортлар, салатлар, овқатлар...) - 3 ой, тезкор - 1 ой ва 1,5 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.
- **Тортларни олий даражада безатиш санъати** - 1 ой, 150 минг сўм, (яққа тартибда).
- **Заргарлик** - 6 ой, тезкор - 3 ой, 1 ойга — 70 минг сўм. Яққа тартибда, заргар ўргатади.

МАНЗИЛ: Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 84-уй, "Қозғоғистон" кинотеатрининг ўнг томонида.

АВТОБУСЛАР: 9, 19, 20, 24, 50, 51, 60, 67, 72, 85, 88, 89, 91, 93, 95, 115.
КЕЛИШ ЙЎЛИ: метроинг Минор, автобусларнинг "Қозғоғистон" кинотеатри бекати.

Тел.: 235-10-36 (факс), 234-70-69.

- Дарслар фақат яққа тартибда ёки кичик гуруҳларда деярли ҳужжат топширган кунингизданок бошланади.
- Ўқиш вақтини ўзингиз белгилайсиз. Барча йўналишлар бўйича тезкор ўқитиш гуруҳлари мавжуд. Ўқиш учун фақат паспорт ёки туғилганлик ҳақида гувоҳнома талаб қилинади. Тўлов нақд пул ёки пул ўтказиш йўли билан!
- **Хизматлар лицензияланган.**
- **Қабул:** 9:00-19:00, дам олиш кuni — яқшанба. **Ётоқхона** - 1 ойга 25-30 минг сўм.



MULOHAZA UCHUN MAVZU

Қайнотаси олиб келган нарсаларни шкафа жойлар экан, Нафисанинг кўзи бир талай асл хинд чойига тушди. Ошхона эшигини очиб, даҳлизга қаради: ҳеч ким йўқ. Қайтиб келиб уч-тўрт қутисини олиб, хонасига яшириб чикди. "Эртага ота-онамни кўргани борганимда олиб бораман", ўйлади у.

та- гига солиб олиб кетганида, роса кўрққан эди. Гўё қайнонаси, "Қани, сумкангизни очинг-чи, нима олиб кетяпсиз?" деб

ҳам бировнинг арзандаси, узоқ қолиб кетмайди барибир, кечки овқатга келса бўлди-да, деган ҳаёл билан рухсат берди.

тушди.

Ранги оқариб кетган Нафиса нима қилишини билмай боласининг кўксига юзини яширди. Кўрққанидан гапиришга ҳам мажолли етмасди.

— Шуни сўрасангиз, бермасмидим, — деди ая ажабланиб. — Қўли эгри келинга учраганимни билмаган эканман. Нафиса қайнонасидан кечирим сўрашга ҳам қурби етмади...

Эрталабки воқеа муҳокамаси кечки овқатдан сўнг бошланди: — Дадаси, бу воқеани шундай қолдириб бўлмайди. Бирор чора кўриш керак, деди — Машхура ая. Гап нима ҳақида бўлишини англаган Нафиса боласини багрига босганича хонасига кириб кетди.

Шунда Эргаш ака чуқур ўф тортиб:

— Ўйлаб иш қилайлик онаси, — деди аяга. — Мен келиннинг ёнини олмоқчи эмасман. Лекин унинг ёшлигини, қўлида бизнинг набиримиз борлигини унутмайлик, кечиримли бўлайлик. Воқеадан керакли хулосани чиқариб олади, назаримда. Сўнг ота-онаси олдида хижолат бўлиб, нима дейишни ҳам билмай турган ўғлига юзланди: "Ўғлим, хотинингни олдига кир. Яхшилаб тушунтир. Иккинчи бундай қилмасликни ўқтир. Худо хоҳласа ҳаммаси изига тушиб кетади".

Ўғил отасига миннатдорона қараганича хонасига йўл олди.

Муборак МИРКАМОЛОВА

"Келиннинг қўли эгри"

Нафисанинг оиласидагилар сал камҳаржрок. Ота-онаси пенсияда. Акаси ҳам, келиноиниси ҳам маош тўланадиган ишда ишлашмайди. Томорқада етиштирилган нарсаларни бозорга олиб чиқиб сотиб, тирикчилик ўтказишади. Лекин ҳар доим ҳам савдо яхши бўлавермайди. Баъзан олиб борган нарсаларини арзон-гаровга бериб келишга ҳам тўғри келади. У келин бўлиб тушган хонадонда эса аҳвол бутунлай бошқача. Қайнонасидан бошқа ҳамма ишлайди. Топиш-тутишлари ёмон эмас. Яшаш ҳам шунга яраша. Уйга озик-овқат маҳсулотлари қопи билан келади. Музлатгич доимо тўлиб туради. Нафиса ҳар гал тўкин дастурхон ёнига ўтирганида, ғарибгина кун кўрувчи ота-онаси ёдига тушади. Чайнаган овқати томоғидан зўрға ўтади. Кўз ёшларини бошқаларга билдирмасликка тиришади.

Унинг уйига яшириб наrsa ташишга ўтганига ҳам ярим йилдан ошди. Биринчи марта ярим килоча гўштни боласининг кийимлари

сўрайдигандай юрак ҳовучлаб уйдан чиқиб олди. Ҳамма галва уйларига борганида бошланди. Ота-онаси уни изза қилишди. Тезда уйингга олиб бориб, жойига қўйиб қўй, дейишди. Нафиса хўп деди-ю, барибир гўштни ошхонага ташлаб кетди. Ушандан бери олиб борган нарсаларини ота-онасига кўрсатиб ўтирмайди. Секин ошхонага қўйиб, сўнг улар олдига киради. Баъзан ўз уйда ўғирлик қилаётганидан уялади. Лекин, олаётган нарсаларим билан уйда ҳеч наrsa камайиб қолмаяпти-ку, деган ҳаёлга боради. Қолаверса, уйдагилар сезишмаётган бўлса...

Унинг наrsa ташиётганини акаси сезиб қолиб, қаттиқ койиди. Шунда янгаси орага тушиб, Нафисанинг ёнини олди. "Э, сиз ҳам қизиқсиз. Озгина наrsa билан камбағал бўлиб қолармиди қудалар? Ахир, киз бола ота-онасиникига куруқ кўл билан бормади-ку!"

Нафиса эртасига ота-онасини кўриб келиш учун қайнонасидан рухсат сўради. Машхура аянинг аввалига ҳаҳли чикқандай бўлди: ахир, бориб келганига бир ҳафта ҳам бўлмади-ку! Сўнг, майли, шу


Нафиса боласи ўтирадиган аравача кўрпачасини олиб, тагига кеча яшириб қўйган чойларини жойлаштирди, сўнг қизчасини ўтказиб, ҳовлига чикди. Машхура ая сўрида иш тикиб ўтирарди.

— Яхши бориб келинг, болам. Қудаларимга салом денг, — деди ая очик чехра билан. Сўнг қўшиб қўйди. — Дарвозадан аравачани ўтказишда ҳазир бўлинг. Йиқитиб қўйманг, болагинамни.

Нафиса раҳмат дея, дарвоза эшигини очди. Боласини қўлига олишга эриниб, аравачанинг олдини кўтарди ва шунда аравача гилдираги дарвоза темирига илиниб қолиб, Машхура ая оғоҳ-лантирган воқеа рўй берди: аравача ағдарилиб кетди. Неварасидан хавотирланиб югуриб борган Машхура аянинг кўзи боладан ҳам олдин сочилиб ётган чойларга

Таҳририятдан:

Азиз газетхон, воқеа жараёни билан танишдингиз. Сиз қандай фикрдасиз, ёшлар ҳаётида ана шундай ҳолатлар бўлмаслиги учун нималарга эътибор бермоқ керак? Фикр ва мулоҳазалар билдирилган мактубларингизни кутамиз.



SAVOL VA JAVOB

ЎНГ ВА ЧАП — ҚАЙБИРИМАЪҚУЛ?

Ўрта асрларда қуролланган суворийлар ўзаро тўқнаш келишса, бир-бирларининг қўлларидаги қуролни яхшироқ кўриш учун имкон қадар чап томонда бўлишга ҳаракат қилишган. Европанинг илк почта аравалари ҳам йўлнинг чап томонидан юрган. Извошчи араваининг ўнг томонида ўтиргани боис шундай ҳаракатланса йўлнинг икки томонини ҳам кўра олган. Ҳеч қандай қурол ва ҳаракатланиш воситаси бўлмаган бечора қашшоқларгина йўлнинг ўнг томонидан юришга мажбур эдилар.

Француз инқилобидан сўнг ҳаммаси аралашиб кетди: жон сақлаш умидида бойлар камбағаллар орасига суқилиб кириб ола бошладилар. Кейинчалик ҳокимиятнинг қўлга киритган Наполеон мамлакатларни истило қилиш асносида бирма-бир ўнг томон қоидасини жорий этишни бошлади.

АҚШда даставвал чап томонда ҳаракатланиш одат эди. Тарихдан маълумки, Буюк Британиянинг ашаддий душмани бўлган Франция океанорти мамлакатига мустақиллик учун курашда катта ёрдам берган. Ушанда француз генерали Лафайет америкаликларни йўлнинг ўнг томонига "ўтказиб қўйган".


Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўта "ўнгпараст" ҳисобланган Гитлер Наполеон ислоҳотини Европанинг деярли барча мамлакатларида давом эттирди.

Фақат эскипараст инглизлар ҳали ҳамон чап томонни маъқул кўришади. XX аср бошларида уларнинг таъсири остида бўлган Япония ҳам чап томонда ҳаракатланиш қоидасини қонунлаштирган.

Шундай қилиб, айни пайтда Англия ва Япониядан ташқари, Австралия, Янги Зеландия, Хиндистон сингари мамлакатларда ҳам транспорт воситалари кўчанинг чап томонида ҳаракатланади.

ДАРАХТ ҚАНЧАГАЧА ЎСИШИ МУМКИН?

Маълум бўлишича, дунёдаги энг баланд дарахт — калифорния секвойясининг ҳам ўз ўсиш чегараси бор экан (баландлиги ўртача 100 метр, диаметри 6-11 метр). Америкалик ботаниклар ҳеч бир дарахт 130 метрдан баланд ўса олмайди, деган хулоса чиқаришди. Чунки дарахт илдизи юқори қисмига етарли миқдордаги намликни етказиб бера олмайди. Одатда, бўйдор дарахтларнинг тепа шохларидаги баргларига доимий намлик етишмайди ва улар тугал ривожлана олмайди, шохда баргларнинг кичрайиб бориш тартибиде жойлашиши ҳам шу омил билан изоҳланади.




ҚУЁШГАЧА МАСОФА ҚАНЧА?

Беш миллиард йил аввал шаклланган Қуёш тизими нафақат 8 сайёра (маълумки, шу пайтгача 9-сайёра ҳисобланиб келинган Плутон жаҳон астрономлари томонидан "Қуёш аъзолиги"дан чиқарилган), балки нисбатан кичик объектлар: сайёралар йўлдошлари, астероид ва кометалардан ҳам иборатдир.

Қуёшдан энг яқин сайёра — Меркурийгача бўлган масофа 58 миллион километри ташкил этади. Венера (Зухро) — 108 млн. км, Ер — 150, Марс — 228, Юпитер — 778, Сатурн — 1429, Уран — 2875, Нептун — 4497, Плутон эса 5913 млн. километр узоқликда жойлашган.

BU — QIZIQ!

ЮЗИНГИЗ НЕГА КЎК, ПОЛ?




Хаётда турли рангли одамлар кўп: оқ, қора, қизил. Лекин кўк юзли одам бўлиши мумкинлигини тасаввур ҳам қила олмасангиз керак. Ҳа, шундай одам бор. Бу Американинг Калифорния штатида истиқомат қилувчи Пол Карасондир.

Гап шундаки, Пол Карасон 1993 йилда дерматит (терининг яллиғланиши) касаллигига чалинди. Лекин шифокорга бормасдан ўзини ўзи даволашга киришиб, турли муолажалар қила бошлади ҳам. Фойдаси бўлмагач, терисига коллоидли кумуш суртишга қарор қилди. Бир вақтнинг ўзидан ундан ича бошлади. Ҳамма ташвиш шундан кейин бошланди. Ичган дориси фойда бериш ўрнига акс таъсир кўрсатди. Унинг бадани, шу жумладан, юзи ҳам кўк тусга кириб қолди. Бундан ташвишга тушган Пол одамлардан қоча бошлади ва ўзи яшаётган Орегон шаҳридан Адери шаҳрига кўчиб ўтди.

— Шу пайтгача 14 йил одамлар кўзидан панада яшадим, — дейди Пол Карасон. — Энди бундай қилмоқчи эмасман. Умид қиламанки, бу ерда мени қандай бўлсам, шундайлигимча қабул қилишади.

Шуни қизиқчи, Пол терисини асл ҳолига қайтариш учун уринмаяпти ва ҳамон коллоидли кумуш эритмаси ичишни давом эттирмоқда. Афтидан унга ҳеч кимга ўхшамаган фаройиб рангда яшаш ёқиб қолган.



Шен Шицзюнинг хайратланарли қобилияти нафақат университет олимлари, балки истеъдодли болаларнинг салоҳиятини ўрганувчи мутахассисларнинг ҳам эътиборини жалб этаётир.

ГЎЗАЛЛИК ТАНЛОВИДА... КАЛАМУШЛАР

Сарлавҳани ўқиб ажабланманг. Ҳақиқатан ҳам Севастополдаги Лукоморе болалар соғломлаштириш шаҳарчасида бўлиб ўтган гўзаллик танловида каламушлар иштирок этишди. "Каламуш-2008" танловида 30дан кўпроқ уй каламуши ва бошқа турли кемирувчилар қатнашди.

Танлов "Энг гўзал", "Энг чиройли кийинган" ва "Энг тезкор" йўналишлари бўйича ўтказилди. Сўнгги йўналиш бўйича кемирувчилар томошабинлар олқиши остида алоҳида тўсиқлар қўйилган шиша йўлаклардан югуриш бўйича мусобақалашди.

Гўзаллик танловида Майки лақбали каламуш бўлиб деб топилди. Унинг эгаси Виктория Шапилина Майкига аввалига махсус тиктирилган фрак, танловнинг иккинчи ярмида эса оппоқ "келин кўйлак" кийдирди. Виктория Майки туфайли DVD-плеерни қўлга киритди. Бошқа иштирокчилар соҳиблари ҳам турли совғаларга эга бўлишди.



Танловга жониворларни ҳимоя қилиш жамоат ташкилоти, шаҳар ветеринар хизмати ва сиёсий партиялардан бирининг вакиллари ҳакамлик қилишди.

ТЎҚҚИЗ ЁШЛИ ТАЛАБА

Гонконг шаҳрида истиқомат қилувчи Шен Шицзюн тўққиз ёшида Цзюн Хуэй университетининг математика факултети талабаси бўлишга эришди.

Болакайнинг номи университетга кириш баҳтига эришган энг ёш талаба сифатида тарихда қоладиган бўлди. Шеннинг фавқуллода ўткир зехни, айниқса, математик ҳисоб-китоблар бўйича қобилиятдан гўдаклигдаёқ ҳамма хайратланар эди. Шу туфайли, у мактаб дастурларини қисқа муддатда ўзлаштирди ва университет кириш имтиҳонларида иштирок этди.

"Kulgi.NET"

Санкт-петербурглик хакерлар Microsoft тармоғига ҳужум қилишиб, корпорация янги ишланмаларининг кириш кодига ўзгартиш киритишди. Microsoft уларга миннатдорчилик билдирди — энди ҳаммаси ишляпти.



Чатдаги эркак:
— Ҳаммага салом! Ёшим 30да, янги дўстлар қидирялман.
— Эскилари қани?

— Йўқ.
— Нега?
— Шанба кунни кечкурун бир шиша ароқ дўстлигимизга нуқта қўйган.

— Рабинович, бу йил қайси газеталарга ёзилдингиз?
— Интернет турганда, газеталарни менга нима кераги бор?
— Нима, йиғилишга клавиатура билан кирмоқчимисиз?



Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади

Табриклаймиз!

"Фаргона Телеком" филиали Фаргона телекоммуникациялар боғламси жамоаси боғламанинг Воҳид ЗАТС муҳандиси Акмалжон МИЛЛАЖОНОВ ҳамда иқтисодчи Муқаддасхон ТЕШАБОВЕВларни таваллуд айёмлари билан чин дилдан муборакбод этади. Уларга ишларида улкан зафарлар, тани сихатлик, хотиржамлик, узоқ умр тилаб қоладилар.

"Фаргона Телеком" филиали ҳамда вилоят алоқа ходимлари бирлашган қасаба уюшмаси қўмитаси жамоалари Учкўприк телекоммуникациялар боғламси монёри Неъматжон ЗИЁДУЛЛАЕВни 50 ёшга тўлиши муносабати билан табриклайди. Унга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, фарзандлар роҳат-фароғатини кўриб яшашликни тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қорақалпоқ филиали Хўжайли почта алоқаси тармоғи жамоаси тармоқ бош ҳисобчиси Дастагул АЛЛАЯРОВА ҳамда оператор Зулайҳо АБДАЛОВани таваллуд айёмлари билан чин қалбдан табриклайди. Уларга оилавий бахт, узоқ умр ва ишларида муваффақиятлар тилайди.

"Бухоро Телеком" филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган қасаба уюшмаси қўмитаси жамоалари филиал ходими Мамлакат ҲОТАМОВани 50 ёшга тўлиши муносабати билан табриклайди. Унга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, оилавий хотиржамлик ва ишларида муваффақиятлар тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Сурхондарё филиали жамоаси филиалнинг почта алоқасини ташкил этиш бўлими етакчи мутахассиси Барноҳон НУРИДДИНОВА, Музработ туман почта алоқаси тармоғининг "Кўнгирот" алоқа бўлими хабарчиси Абдулла ИБРАГИМОВ ҳамда Сарийосё туман почта алоқаси тармоғи бошлиғи Равшан ҚОКИЛОВларни туғилган кунлари билан табриклайди.

"Ўзи-Термиз" филиали жамоаси муҳандислар — Чори САИМОВ ва Шокиржон НОРҚЎЧҚОРОВларни таваллуд айёми билан муборакбод этиб, уларга мустаҳкам соғлиқ ва узоқ умр тилайди.



Домен номи, доменнинг номи (ru — имя домена, доменное имя, en — domain name) —

1. Номларнинг домен тизимида мувофиқ равишда компьютер тармоғининг узелига берилган ноёб рамзий номи.

2. IP-адреснинг рамзий тасаввури.

Интернет-адрес, IP-адрес (ru — Интернет-адрес, IP-адрес, en — Internet address, IP-address) —

1. Интернет тармоғидаги рақамли шаклда ифодаланган, ахборотнинг жойлашган ўрнини аниқловчи адрес. IP-адрес нуқталар билан ажратилган тўрт рақамли майдондан ажратилган нуқталардан ташкил топади.

2. Интернетга

АЛОҚАЧИ ЛУФАТИ

бевосита уланган ҳар бир компьютерга ёзилган ноёб рақам. У нуқталар билан бирлаштирилган тўртта сондан ташкил топади.

3. TCP/IP протоколлари билан бошқариладиган тармоқдаги узеллар ёки компьютерларни айнан тенглаштирадиган ноёб адрес.

Номларнинг домен тизими (ru — система имен доменная, en — domain name system, DNS) — Интернетга ўхшаб тармоқда боғланган компьютерларнинг ҳар бирига ноёб номлар беришнинг иерархик тизими. Ном чапдан ўнга қараб ўсиб борувчи иерархик даражаларга мувофиқ келувчи қисмларнинг ажратилган нуқталари — доменлардан ташкил топади.

Ахборот хизматлари
Онлайн (тармоқ) хизмати (ru — служба онлайн-овая (сетевая), en — online service) — Аниқ вақтда маълумотларни узатиш тармоғи воситасида кўрсатиладиган хизмат.

SPORT

ГАЛАБА БИЛАН БОШЛАНДИ

Чоршанба кuni Ўзбекистон миллий терма жамоаси Жаҳон чемпионати 3-саралаш босқичининг биринчи турида Ливан терма жамоаси билан куч синашди.

ЛИВАН – ЎЗБЕКИСТОН – 0:1.

Байрут шаҳрида бўлиб ўтган мазкур учрашувда ёш ярим ҳимоячимиз Одил Аҳмедовнинг 44-дақиқада киритган голи баҳс тақдирини ҳал қилди. Учрашувда терма жамоамиз бош мураббийи Рауф Инелеев куйидаги футболчиларни майдонга туширди:

И.Нестеров, И.Суянов, А.Алиқулов, И.Иномов, В.Денисов, А.Ибрагимов (Б.Ашурматов, 89), О.Аҳмедов, С.Жепаров, Т.Копадзе, М.Бикмаев (В.Карпенко, 60), М.Шацких (У.Бақоев, 82).

Гуруҳимиздан ўрин олган Саудия Арабистони ва Сингапур терма жамоалари ўртасидаги учрашувда саудияликлар 2:0 ҳисобида галаба қозонишди.

ЖЕПАРОВ, КАПАДЗЕ ВА СОЛИЕВ «ҚУРУВЧИ»ДА

Тошкентнинг «Курувчи» жамоаси шов-шувли трансферни амалга оширишда давом этмоқда.

Айни пайтда Туркияда машгулотлар олиб бораётган «Курувчи» клуби «Пахтакор» етакчилари ҳисобланган Сервер Жепаров ва Темуր Кападзелар билан музокара олиб борди ва яқунда бу футболчилар 2008 йилги мавсумни «Курувчи» сафида ўтказадиган бўлди.

Сервер Жепаров ва Темуր Кападзеларнинг иккаласи ҳам мавсум оралиғида Россия клублари кўригидан ўтиш учун турли жамоаларда ўз бахтларини синаб кўрди. Аммо охир оқибат бу футболчилар «Курувчи» билан бир йилга шартнома имзолашди. Бунгача клуб Мурад Зухуров, Шавкат Раимқулов, Хайрулла Каримов, Алексей Николаев, Жамол Отақулов, Иброҳим Раҳимов, Улуғбек Бақоев, Анвар Ражабовлар билан шартнома имзолаб улгурганди.

Ушбу йирик трансфердан кейин бир кун ўтиб, яна бир «Пахтакор» вакили – Анвар Солиев ҳам Миржалол Қосимов бошчилик қилаётган жамоа сафига қўшилди.

АФРИКА КУБОГИ ҚИЗҒИН ПАЛЛАДА

Гана Республикасида ўтаётган Африка миллатлар кубогининг ярим финалчилари номи маълум бўлди.


Чорак финалда мезбонлар Нигерия термасини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Галаба келтирган тўпларни ганаликлардан «Челси» аъзоси Эсиен ҳамда Агого киритди.



Кот Д'Ивуар терма жамоаси эса Гвинея термаси устидан йирик 5:0 ҳисобида галаба қозонди. Бу ўйинда ҳам «Челси» ҳужумчилари Саломон Калу ва Дрогбалар ўзларини кўрсатишди. Айниқса, Калу 73-дақиқада ўзига хос гол муаллифи айланди. У бир неча ҳимоячилар ҳамда дарвозабонни алдаб ўтди ва очик қолган дарвоза чизиги устида тўпни бир муддат ушлаб туриб кейин гол урди. Учрашувда Калу дублга эришган бўлса, Кейта, Дрогба ва Конелар биттадан голга муаллифлик қилди.

Миср терма жамоаси 2:1 ҳисобида Ангола термасидан устун келди. Тунис ва Камерун терма жамоалари ўртасидаги ўйиннинг асосий вақти 2:2 ҳисобида яқунланди. Қўшимча вақтда камерунликлар учинчи голни киритиб, ярим финалга йўл олишди.

Кеча ярим финалда Миср термаси Кот Д'Ивуар билан, Камерун терма жамоаси Гана билан баҳс олиб борган. Мусобақанинг финали 10 феврал кuni ўтказилади.



ПЕКИНГА ТЎРТТА ЙЎЛЛАНМА

Таиландда бокс бўйича Пекинда бўлиб ўтадиган Олимпиада ўйинлари учун ўтказилган саралаш турнири ниҳоясига етди.

Унда мураббийлар Шароф Худойбердиев, Александр Размахов, Набижон Бойматов, Ҳабибулла Усмонов ва Уйғун Сиддиқовлар кўл остидаги ўзбекистонлик боксчилар ҳам йўлланма учун кураш олиб борди.

Яқунда тўрт нафар боксчимиз Пекин олимпиадаси йўлланмасини кўлга киритди. 57 килограмм вазн тоифасида турнир голиби бўлган Баҳодиржон Султонов, шунингдек, кумуш медал соҳиблари Рафиқ Султонов (48 кг), Дилшод Махмудов (69 кг) ва Элшод Расуловлар (75 кг) ҳам Пекинда юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган бўлди.



Жасур Матжонов ҳам турнирни кумуш медал билан яқунлади, бироқ унинг вазн тоифасида олимпиада йўлланмаси фақат олтин медал соҳибларига берилади. 60 килограммгача бўлган даъвогарлар орасида Беҳзод Хидиров бронзани кўлга киритди. Шунингдек, Тўлашбой Дониёров (51 кг), Улуғбек Холмуродов (54 кг) ва Зокир Ортиқовлар (64 кг) йўлланмадан қуруқ қолишди.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси университетнинг «Ахборот технологиялари» кафедраси катта ўқитувчиси Шаҳноза СОДИҚОВАга онаси **ҲАЛИМАХОН** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир: Абдусайд КЎЧИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдуғани АБДУРАҒИМОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Бахтиёр КУБЕЕВ
Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ
Миродил САНГИЛОВ
Шухрат СОДИҚОВ
Лутфилло ТУРСУНОВ
(масъул котиб)
Асаджон ХЎЖАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета
Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0016 рақами билан рўйхатга олинган.

МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60,
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
Тел.: 233-36-48; 236-35-29.
Факс: 236-36-42.
E-mail: orif@infonet.uz

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланishi мумкин.

Нашримиздан кўчириб босилганда «Хабар»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — ①
Реклама матнларининг тўғрилик-лиги тахририят жавобгар эмас.

Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.

Ҳафтаги тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

153-G сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
Адали: 14768 нуска.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ.
Матн теруви: Дилфуза МАТҚУРБОНОВА.

Ахборот ҳамкоримиз: UZINFOCOM маркази.

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

1 2 3 4 5 6 8

NAVOIY TAVALLUDINING 567 YILLIGIGA

Ҳар йили 9 феврал — Навоий туғилган кун шоир ҳаёти, ижоди, муҳити, салафлари ва издошларини ўрганишга бағишланади. Илмий-аънавий анжуманлар ўтказилади. Биз ҳам Ҳазратни яна бир бор ёдга олиш, ижодининг янги қирраларидан баҳраманд бўлиш мақсадида бутун фаолиятини буюк шоиримиз ҳаёти ва ижодини ўрганишга бағишлаган таниқли навоийшунос олима, профессор Суйима Ғаниевани сўхбатга тортдик.

— Алишер Навоий 1469 йилда Самарқанддан Ҳиротга тақлиф этилган пайтдаёқ етук шоир сифатида шуҳрат топган эди, — дея сўхбатни бошлади Суйима Ғаниева. — Хусайн Бойқаро салтанатида у нуфузли лавозимларга тайин қилинди, бутун фаолиятини ана шу салтанат мустаҳкамлиги, халқ манфаатларига қаратди.

Навоий ўша давр Шарқ шеърятининг 16 хил жанр ва турларида ижод қилди. У она тилининг мавқеи, унинг истиқболи учун курашди.

Навоий ижодида кенг таважжух, яъни қизиқиш ўз давридаёқ бошланган. Унинг асарлари кўплаб тилларга таржима қилинган. “Мажол” XVI асрнинг ўзидаёқ уч марта форсийга ўғирилган. Айни дамда ушбу асарнинг яна бир форсий таржимаси борлиги аниқланди. Жомий Навоийни она тилидаги адабиётнинг асосчиси, деган. Хусайн Бойқаро унинг девонларига, “Хамса”сига юсак баҳо берган.

— Навоий ижодини ўрганиш бир зум бўлса-да тўхтамаган. Аммо мустақиллик бу борадаги изланишларга янги чарчов берди. Шоирнинг 20 томлигини чоп этишдек қутлуғ ишга қўл урилганлиги ҳам бунинг исботидир.

— Албатта, истиқлол йиллари навоийшуносликда янги уфқлар очилди. Мафкура таъйиқи билан қисқартиб чиқарилган мантларни тиклаш имконияти яратилди. Динга, тасавуфга оид асарларининг тўлиқ матни, дoston ва насрдаги аънавий “ҳамд”, “наъ” қисмлари тикланди, ўқувчиларга тушунарли



Навоий ижоди — улкан мактаб

бўлиши учун керакли изохлар берилди.

Иловада таржималари билан Навоий мукамал асарларининг 20 жилдда чоп этилиши шак-шубҳасиз маданий-адабий ҳаётимизда катта воқеа бўлди. 1993 йил бошланиб, 2003 йилда 20-томи чиқди. Бу нашрнинг изох ва таржималари замон талаблари даражасида бажарилган.

Навоий қолдирган адабий-илмий мерос олий мақомдаги қадриятларимиз, маънавиятимиздир. Булар ҳақида сўз юритганда, Президент И.Каримовнинг “Маънавият инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг куч-қудратидир, у йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди”, деганини ёдда тутмоғимиз даркор.

— Навоий дастхатини топиш борасидаги изланишларингиз хусусида ҳам сўзлаб берсангиз?

— Мир Алишер Навоий ижоди ва фаолиятига бағишланган 23-илмий-аънавий анжуман 1979 йили Андижонда ўтказилган эди. Анжуманда самарқандлик олим Ботирхон Валихўжаев ўз маърузасида Эрондаги каталоглардан бирида

шоирнинг дастхат девони тавсиф қилинганлиги ҳақида Москвадан маълумот олганлиги юзасидан ахборот берди. Кейин шу олимнинг устози Воҳид Абдуллаев билан ҳаммуаллифликда ёзилган мақоласи эълон қилинди. Шундан сўнг тинчим йўқолди. Москвага илмий сафарга отландим. Кутубхонадан 1976 йил Эронда нашр қилинган “Феҳрасти девонхон хаттий” деб номланган каталогни топиб, Навоий асарлари тавсифи ва намуна учун берилган бир саҳифа дастхати микрофилмини олиб қайтдим. 1980 йили матбуотда Навоий дастхати ҳақидаги мақолам чоп этилди. Ордан ўн йил ўтгач, 1990 йилнинг декабрида Фирдавсий “Шоҳнома”сининг минг йиллигига бағишланган Жаҳон конгрессида қатнашиш учун Эронга бордим. Бу Навоий дастхати бўйича изланишларимни яқун

саркарда, одил шоҳ даражасига етказган. Шоир Искандар орқали инсониятга мамлакатни адолат билан бошқаришда илмнинг, маърифатнинг аҳамиятини, олимларнинг ўрнини бот-бот уқтирган.

— Ҳамма замонларда ҳам ёшлар, уларнинг тарбияси долзарб бўлган. Навоийнинг ҳам бу масалага жуда жиддий қарагани асарларида кўришиб туради.

— Навоий ёшлиқда ҳаётнинг бунёдини мустаҳкам қуриб олиш керак, дейди. Асарларида илм ва ҳунарни сидқидилдан ўрганиш кераклигини, Ҳаққа эътиқодда бўлишликни, инсоф, ҳаё-ибо юзасидан иш кўришликни, ота-онани, муаллимни хурмат қилишликни бот-бот уқтиради. Яна Навоийда шундай пандлар, насихатлар борки, булар ўша вақтдаги шахзодаларга бағишланган бўлса-да, ҳамма замон учун алоҳида аҳамиятлидир. Достонларида шахзода Баддиузмонга бағишланган алоҳида боб бор. Баддиузмон валиаҳд бўлгунча иккита бонни унга бағишлайди. Биринчисида шахзоданинг кўнглини кўтариш учун унга таъриф берилган бўлса, иккинчисида унга панд-насихат қилинган. Пандларни ўқисангиз, тарихни билиш, ўтганларнинг асарларини ўқиш, ота-она измида бўлиш, улар ҳақида фикрлаш, отанинг хатоларини хато деб билмаслик каби гўзал ахлоққа даъваткорликни кўрасиз.

— Шоир байтларини такрор-такрор ўқисак янги-янги маъноларни топамиз. Навоийнинг буюклиги ҳам шундадир?

— Навоийнинг шеърларини ўқиганимизда, албатта, руҳиятимизда янги бир мавжлар пайдо бўлади, ҳайратга тушамиз.

Юз жафо қилса манга, бир қатла фарёд айламон,

Элга қилса бир жафо, юз қатла фарёд айларам, — дейди халқларвар, адолатпеша шоир. Шоирнинг бундай шохбайтларини жуда кўплаб келтириш мумкин.

Сўзимнинг сўнгида айтаманки, Навоий ҳақида фақат туғилган кунларида эмас, ҳамма вақт газеталарда, журналларда мақола, янгиликлар бериб бориш керак. Шундагина улуғ шоиримиз олдидаги қарзимизни узган бўламиз, у кишига муносиб авлод бўла оламиз.

— Сўхбатингиз учун катта раҳмат.

Усмонжон Йўлдошев
сўхбатлашди

УНИВЕРСИТЕТДА NAVOIYXONLIK

9 феврал буюк мутафаккир олим, газал мулкнинг султони ҳазрат Низомиддин Мир Алишер Навоий таваллуд топган кун. Ана шу қутлуғ сана муносабати билан Тошкент ахборот технологиялари университетидан Навоийхонлик кунлари бошланди.

Режага асосан, ўқув йилининг 2-семестри Навоий ҳаётини ўрганишдан бошланади. Факултетларда шоирнинг ҳаёти, ижоди ва фаолияти, ўз даврида ҳокимиятни мустаҳкамлаш учун қилган савий-ҳаракатлари, табобат, муншоот соҳасидаги асарларининг мазмуни яна бир бор ёдга олинади. Ҳафта бошида бошланган Навоийхонлик кунлари университет мажлислар залида, талабалар уйида ҳам давом этади.

Навоийхонлик тадбирларини ўтказишда университетнинг иқтисодиёт ва бошқарув факултети, ўзбек ва рус тиллари ўқитувчилари фаол иштирок этмоқдалар.

К. УМАРОВА,
университет “Ахборот клуби” аъзоси

НИКОУАТ

АЛИШЕР БИЛАН БУЛБУЛ

Илгари замонда Фиёсиддин кичкина деган одамнинг Алишер исмли ўғли бўлган экан. Бола ёшлигидан уддабурро, зийрак бўлиб ўсибди. У тўққиз ёшга тўлганда шеърлар ёза бошлабди. Одамлар у ёшган шеърларни қулоқ бериб тинглайдиган бўлишибди. Лекин бола ёшган шеърларининг тағига ўз номини нима деб қўйишини билмасмиш.

Алишер бир кун янги шеърни ёзиб тугатибди-да, уни боққа чиқиб баланд овоз билан ўқий бошлабди. Шу пайт боғдаги теракка чирмашган қирқ оғайинининг шохиди ўтирган булбул Алишернинг ёқимли овозини эшитиб қолибди. Ёш куйчининг гоҳ кўнғироқдай жарангдор, гоҳ тонг шамолдай майин овози булбулни ўзига мафтун этибди. Қушча дарҳол унинг елкасига қўнибди-да:

— Эй, хушовоз шоир, сен ўқиган шеърлар булбулларнинг эрта тонгдаги навосидан ҳам ёқимли экан. Номингни билсам бўладими?— дебди.

— Мен Алишерман! — жавоб берибди бола.

— Билдим, билдим, янги чиққан шоир экансан-да. Энди сен ўзинга чиройли бир ном танлаб, шеърларингнинг охирига ўша номингни қўшиб кетгин.

Алишерга булбулнинг бояги «наво» деган сўзи ёқиб қолибди. Шундан кейин ёшган газалларининг тағига «Навоий» деб ёзиб қўядиган бўлибди.

